



35  
(1457) – son  
25-sentabr  
2020

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSAN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Шавкат Мирзиёев  
БМТ Бош Ассамблеясининг  
75-сессиясида нутқ сўзлади  
**2-бет**

### ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

Илм йўли – бахт йўли **5-бет**

### ОБЩЕСТВО

В Узбекистанских семьях  
компьютеров оказалось в три раза  
меньше, чем телевизоров **6-бет**

### МУЛТФИЛМЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Қизлар Зумрадга эмас, Барбига  
ҳавасда **10-бет**

### БАХТ ГОРМОНИ

Ҳаётга очиқ чеҳра билан боқинг,  
шунда унинг гўзаллигини нўра  
оласиз **11-бет**

### РОБОТОТЕХНИКА

Японлар 18 метрли роботни  
ҳаранатга нелтиришди **12-бет**

### ОФШОР ОШКОР БЎЛДИ

Глобал банклардаги  
коррупциялар ҳақида ҳисобот  
тайёрланди **13-бет**

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТСИЗ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 сентябр куни тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



## ONE MILLION UZBEK CODERS

## ЗАМОНАВИЙ МЕҲНАТ БОЗОРИ САРИ ЙЎЛ

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан, бу йил IT соҳасида кучли кадрлар тайёрлаш ва ушбу йўналишни аҳоли ўртасида оммалаштириш имконини берадиган кўплаб лойиҳалар яратилмоқда.

Жумладан, аҳолининг кенг қатламига ахборот технологиялари соҳасида бепул таълим олиш имкониятини бериш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Dubai Future Foundation, IT-Park ва IT-Академияси билан ҳамкорликда Udacity курслари асосида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

## ИНТЕРНЕТ БИР ДАҚИҚАДА (2020 йил)

- YOUTUBE** – 500 соатлик видео жойланяпти.
- WHATSAPP** – қарийб 42 миллионта хабар йўлланяпти.
- AMAZON** – 6 500та жўнатма юборилмоқда.
- NETFLIX** – 400 000 соатлик видео оқим.
- ZOOM** – 208 мингдан ортик мулоқот.
- TIKTOK** – 2 704та янги видео жойланяпти.
- INSTAGRAM** – 347 мингдан зиёд янги хабар.
- TWITTER** – 319та янги фойдаланувчи.



## 2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



## Шавкат МИРЗИЁЕВ

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ  
75-СЕССИЯСИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 сентябр куни ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Касаллик ҳамон бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётгани, сунгги кунларда юртимизда ҳам беморлар сони кўпайгани афсус билан қайд этилди. Темир интизом ва тартибни таъминлаб, барча жойларда санитария талабларига қатъий амал қилиш кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Жорий йилнинг 21 сентябр куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ўсимликлар карантини соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича тақдимот билан танишиб, навбатдаги вазифаларни кўрсатиб ўтди.


2020 йил 23 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси хузурида Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкил этиш юзасидан онлайн йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Комиссия ва Олий Мажлис Сенати аъзолари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари ҳамкорлигида бадий адабиётлар карвони ташкил этилди. Бадий адабиётлар карвони 14та ҳудудда 9 минг 942та умумтаълим мактабига етиб бориши учун 70 номдаги жами 71 минг 500 дона китоб нашр этилди. 24 сентябр куни вилоятларга етказилиши лозим бўлган китоблар карвони йўлга тушди.

Ўзбекистон 8 ойда қиймати 5,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган олтин сотди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига 147,2 фоизни ташкил этиб, 1,8 млрд. АҚШ долларига кўп. Олтин экспорти жами экспорт улушининг 50 фоизини ташкил этмоқда. Маълумот ўрнида, Ўзбекистон жаҳоннинг 160дан ортқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон эълон қилинди.

Президентимизнинг ушбу нутқи тарихий воқеа бўлди. Аввало, халқаро ҳамжамиятнинг энг юксак минбарига ўзбек тилининг жаранглаши қалбимизда фахрланиш уйғотгани табиий. Нутқда кўтарилган масалалар эса бутун дунё учун муҳим аҳамият касб этади.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф этди.

## Пандемия...

"Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф эта- миз. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозим", — деди Президент.

Ўзбекистонда КОВИД-19 қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб барча саъй-ҳаракат ва ресурслар бу хавфли касалликни жоловлаш ва энг асосийси — одамлар ҳаётини сақлаб қолишга қаратилгани қайд этилди.

"Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилмоқда, аҳолига, иқтисодий тармоқлари ва бизнесга манзилли кўмак кўрсатилмоқда. Шу мақсадда махсус жамғармалар тузилди.

... Биз халқаро ҳамжамиятнинг пандемияга қарши самарали курашиш бўйича барча ҳаракатларини, жумладан, зарур дори-дармон ҳамда вакциналар ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ташаббусларини кўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, Бош котиб Антониу Гутерриш жанобларининг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини маъқуллашмиз", — таъкидлади давлатимиз раҳбари.

## Янги Ўзбекистон

Бундан уч йил муқаддам Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олий минбаридан Ўзбекистоннинг туб ислохотларни амалга ошириш бўйича қарори қатъий эканини айтган эди.

"Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар орта қайтмайдиган тус олди.

Ўтган йили Парламентга ўтказилган сайловлар аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамия-

ти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошганини намойиш этди.

Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти- нинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қақририга жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди", — қайд этилди нутқда.

Шунингдек, диний эркинлик, судларнинг мустақиллиги, коррупцияга қарши мурасасиз кураш, иқтисодий ислохотлар, камбағалликни камайтириш, ёшларга эътибор масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шавкат Мирзиёев ўз нутқида яна бир бор Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини кўллаб-қувватлашга қақирди.

Бундан ташқари, Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролинини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди.

## Яхши қўшничилик

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳитини яратишга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг қайд этишича, охириги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробарга ўсди.

"Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлашдир.

Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очишни таклиф этамиз", — деди Шавкат Мирзиёев.

## Хива шаҳрида халқаро форум ўтказиш таклифи

Бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти- нинг Глобал антитеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

"Биз ушбу стратегия доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш тарафдоримиз.

Маълумки, минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга. Биз 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" деган мавзуда халқаро форумни ўтказишга тайёр- миз", — қайд этди Президент.

## Минтақадаги хавфсизлик

Давлат раҳбари Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарурлигини қайд этар экан, шундай деди:

"Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада "Беқорор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари" деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмакта ташкил этиш лозим. Ушбу кўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур".

## Экология масаласи ва камбағалликка қарши курашиш

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири — глобал иқлим ўзгариши ҳақида тўхталиб, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўларди, дея таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шунингдек ўз нутқида кашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгиланган ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этди.



# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТСИЗ

# МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙУҚ

ражада йўлга қўйилганига қараб баҳо берилади. Бу соҳада яхши натижа кўрсатган раҳбарларга 30 фоизгача устама жорий қилинади.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим аввало аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгили қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шу талабдан келиб чиқиб, ишчи гуруҳлар томонидан 530та ҳудудий ва 280та тармоқ лойиҳаси тайёрланган.

Хусусан, жорий йил якунигача 14 ва келгуси йил биринчи чорағида яна 14 туманда одамлар энг кўп мурожаат қиладиган жорий ишчи гуруҳлари сақлаш, кадастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича 239та лойиҳа амалга оширилади.

Масалан, “Электрон поликлиника” тизимини жорий қилиш орқали қоғоз ҳужжатлар 40 фоизга, навбат кутиш 60 фоизга қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш лозим.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт картаси, электрон шифохона ҳамда шошилнч тиббий ёрдам тизимлари жорий этилмоқда. Ушбу дастурлар келгуси йили Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида йўлга қўйилиши айтилди. Шунингдек, “электрон кундалик”, “электрон дарслик”, “ўқитувчиларни баҳолаш” тизимларини барча ҳудудларда жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилда белгиланган 14 туманда ижтимоий муассасаларни тўлиқ рақамлаштириш, қолган ҳудудлар учун намуна қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Рақамлаштириш иқтисодиёт тармоқларида тежамкорлик ва самардорликни таъминлайди. Масалан, Тойлоқ ва Оқдарё туманларидаги шағал кавлаб олиш карьерларида машиналарнинг юк ҳажмини назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани натижасида ойлик тушум 3 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмга ошган.

Давлат солиқ кўмитасига норууда карьерлардан фойдаланишда “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш, бунинг учун ер қабри кавланиши, юк ҳажми ва машина-

лар ҳаракатини назорат қилувчи электрон тизимларни ишга тушириш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда саноат тармоқларида амалга ошириладиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йуқ, – дея таъкидлади Президент.

Келгуси уч йилда нефт, газ ва энергетика соҳасида 18та, металлургия бўйича 12та, автосаноат тизимида 9та, кимё соҳасида 8та, тоғ-кон геология тармоғида 4та рақамлаштириш лойиҳаси режалаштирилган.

Мисол учун, Муборак ва Шўртан нефт-газ корхоналарида автоматлашган диспетчерлик хизмати жорий этилгани туфайли йилга 50 миллион куб метр газ ва 650 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилишга замин яратилди. Асакадаги автомобил заводида логистика, харидлар, хомашё ва бутловчи қисмлар ҳаракатини рақамлаштириш орқали 41 миллион доллар тежаш мумкин. Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатидаги “Ёшлик-1” ва “Қолмоққир” конларида транспорт комплекси автоматлашган бошқарув тизимини жорий қилиш ҳам шундай самарали лойиҳалардан. Бу орқали йилга 28 миллиард сўмлик маблағ тежалади.

Президент барча лойиҳаларга масъулларни белгилаб, уларни муддатда, сифатли бажариш, халқаро молия ташкилотлари маблағларини йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бош вазир ва унинг ўринбосарлариға ун кун муддатда ўзлари масъул бўлган соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш бўйича жорий ва келгуси йил учун режалар ишлаб чиқиш юклатилди.

Рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва унумли ишлатиш, албатта, мутахассисларга боғлиқ. Шу боис кадрлар тайёрлашга ҳар томонлама аҳамият берилмоқда. Утган йили Тошкент шаҳрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки бунёд этилган эди. Андижон ва Марғилон шаҳарларида унинг филиаллари очилди. Пойтахтимизда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби ҳудудиди яна бир филиал биноси қурилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ахборот технологияларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган 205та мактаб ташкил этилиши режалаштирилган.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилда 14та, келгуси йилда 82та ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва IT-Паркларда ахборот технологиялари ўқитувчиларини тайёрлаш ҳамда уларни сертификатлашнинг миллий тизимини жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди. Малака сертификати олган ўқитувчиларга ҳар ойда қўшимча 50 фоиз устама тўланади. Шунингдек, ўқувчиси “Бир миллион дастурчи” курсини муваффақиятли якунлаган мактаб ўқитувчиларини мукофотлаш йўлга қўйилди.

– Бугун кўриб чиқилаётган масала ривожланиш ва халқимиз ҳаётини яхшилаш борасидаги ишларимизнинг энг катта замини, – деди Президент. – Буни барча ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари тушуниб, дунёқарашини ўзгартириб, айтилган вазифалар ижросига қаттиқ киришишлари керак.

Бош вазирга муҳокама қилинган чоратадбирлар ижросини соҳалар ва ҳудудлар кесимида назорат қилиш топширилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар рақамлаштириш лойиҳаларидан халқимизга қандай енгиликлар бўлиши борасида ахборот берди.



“Электрон поликлиника” тизимини жорий қилиш орқали қоғоз ҳужжатлар 40 фоизга, навбат кутиш 60 фоизга қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш лозим.

Бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тарққиётдан орқада қоляпти.

2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниб, бу борада катта ишлар бошланди. Хусусан, 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бугунги видеоселектор йиғилишида шу борада амалга оширилаётган ишлар, жорий йил якуни ва 2021 йил биринчи чорағига мўлжалланган лойиҳалар муҳокама этилди.

– Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштиришсиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар буни ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўрганиши керак, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил якуни бўйича ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари рақамли иқтисодиёт соҳасида кескин ўзгариш қилиши зарурлиги айтилди. Президент бу янгилишларни одамлар ўз ҳаётида, бюрократия ва коррупция камайгани мисолида, давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганида сезиши лозимлигини таъкидлади.

Туман ва шаҳар ҳокимлари бир ойда 2-3 кун фақат рақамлаштириш билан шахсан шуғулланиши белгиланди. Уларнинг фаолиятига ҳудудда рақамлаштириш қай да-

4 ТАҚДИМОТ

# Digital Cityда




## Йирик лойиҳалар намойиш этилди



Анджон шаҳрида жойлашган “Рақамли шаҳар”да йирик лойиҳалар тақдимоти ташкил этилди. Тақдимотда вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов ва АКТ вазири ўринбосари Қаҳрамон Юлдашевлар иштирок этди.

Анджон вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати хабарига кўра, тақдимотда Monterra платформаси орқали сунъий йўлдош маълумотларини Андижон вилояти қишлоқ ҳужалиги соҳасига жорий этиш ҳамда “Хонобод-ТУР”, “Маҳалла”, “Шифохона”, “Меҳнат” ва “Томорқа” ягона ахборот тизимлари лойиҳалари намойиш этилди.

Кўриб чиқилган лойиҳалар юзасидан кўшимча тақрифлар берилди.



### One Million Uzbek Coders

# ЗАМОНАВИЙ МЕҲНАТ БОЗОРИ САРИ ЙЎЛ

## Udacity платформаси ҳақида

Udacity (АҚШ) – IT мутахассислигига йўналтирилган етакчи онлайн таълим платформаси. Ўқув ва контент курслари Google, Facebook, Amazon, Autodesk ва бошқалар каби етакчи IT-саноат компаниялари билан биргаликда ишлаб чиқилган. Барча курслар ҳақиқий маълумотлар тўпламларида лойиҳалар билан ишлашда амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

## One Million Uzbek Coders лойиҳаси ҳақида

“Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши аҳоли кенг қатламларини АКТ соҳасида янги касбларни ўзлаштириш, ёшларни, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларни ишга жойлаштириш имконини беради”, – таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов. Тантанали маросимда иштирок этган меҳмонлар орасида Бирлашган Араб Амирликлари делегацияси, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

One Million Uzbek Coders ташаббуси маҳаллий IT-таълимни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда ёшларга АКТ мутахассисликларига арзон ва сифатли ўқиш имкониятларини тақдим этади. Лойиҳанинг мақсади рақамли экспертлар авлодини ривожлантириш, уларни рақамли трансформация орқали келажакни тушуниш ва бошқариш учун зарур бўлган барча воситалар билан куроллантиришидир.

Лойиҳаси тўртта йўналишни ўз ичига олади: Android (Google билан ҳамкорликда), Front-end

development, Full-stack development ва маълумотларни таҳлил қилиш. Ҳар бир трек асосий 120 соатлик ёки 12 ҳафталик курсдан бошланади ва ўрганишни бошлаш учун махсус билим талаб қилмайди.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари соҳасида рақамли билим ва янги мутахассисликлар олишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида IT-Park Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида One Million Uzbek Coders лойиҳасида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш устида иш олиб бормоқда. Хусусан:

- Лойиҳани ёритиш ва аҳоли ўртасида рақамли кўникмаларни тарғиб қилиш учун реклама кампанияси (ижтимоий тармоқлар, онлайн мактаб, телевидение ва радио) йўлга қўйилди;



- “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг дастлабки босқичи 62 мингдан ортиқ ўқувчини қамраб олди ва уларнинг 5,4 мингтаси маляка сертификатига эга бўлди;

- “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ZIYONET таълим портали, UZMOBILE мобил алоқа оператори ва UZONLINE интернет-провайдерларининг бепул хизматларига киритилган;

- Мазкур лойиҳа доирасида рақамли технологиялар бўйича ўқув марказларида дастурлаш кўникмаларини ўргатиш ишлари амалга оширилмоқда;

- Лойиҳа кўламини кенгайтириш ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун биринчи босқичда малякат бўйлаб 2 100дан ортиқ мактаб танлаб олинди;

- Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги мактабларда 2 минг 137 нафар информатика ўқитувчиси учун онлайн-семинар ташкил этилди. Онлайн семинарларда мактаб ўқувчиларини ўқитиш портали имкониятлари, ўқув курсларининг мақсади ва мавзуси, шунингдек, лойиҳада ёшларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар намойиш этилди.

Бундан ташқари, One Million Uzbek Coders миллий лойиҳаси доирасида фаол иштирокчилар ўртасида танлов ташкил этилди. Танлов жорий йилнинг эзида бўлиб ўтди ва IT-Park ҳамда IT-Академия кўмагида Dubai Future Foundation томонидан ташкил этилди. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидан 12 мингдан зиёд киши иштирок этди. Виртуал жамоа [h t t p s : / / community.uzbecoders.uz](https://community.uzbecoders.uz) сайтида шу пайтгача 3 000дан ортиқ муаллифлик мақолаларини ўзбек тилида нашр этди. Танловда 18 ёшгача бўлган мактаб ёшидаги иккита гуруҳ ҳамда тумумий тоифали иккита гуруҳ иштирок этди.

Танлов шартлари лойиҳа ёки IT ва янги технологиялар бўйича муаллифлик мақолаларини яратиш эди. Танлов якунида энг яхши уч нафар иштирокчи 1 500 АҚШ доллари миқдоридagi совринни қўлга киритди. Мактаб ўқувчиларининг энг яхши учта иштирокчиси 500 АҚШ долларини олди.

Айни пайтда [uzbecoders.uz](https://uzbecoders.uz) порталда 69 003дан ортиқ талабалар рўйхатга олинди, шундан 5 810 нафари иккинчи босқичдан ўтди ва курсларни муваффақиятли якунлаш тўғрисида сертификатлар билан тақдирланди.

Шуни эсда тутиш керакки, One Million Uzbek Coders ташаббуси аҳолига келажакда меҳнат бозори учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлиш, келажак дастурлаш тилини ўрганиш имконини яратишга қаратилган.



# ИЛМ ЙЎЛИ — БАХТ ЙЎЛИ

Дарахт шохидан узилиб тушган беҳини ердан олаётиб, домла ўзига сўзлаган-дек савол беради: "Дунё қачонгача туради?" Дафъатан берилган бу саволга ўйланиб жавоб айтгунимча, сокин шивирлайди – дунёда битта бўлса ҳам инсофли одам қолгунича. Назаримда, орамизда ҳали ҳам яхши одамлар жуда кўп...



га ундаш учун ўзи намуна бўлишга ҳаракат қилди. "Дастлаб иш бошлаган пайтим "конспект"ларимни дафтарга қўлда ёзар эдим", дея жавондаги китоблар орасидан бешолтита қалин дафтарларни олиб кўрсатади домла. Варақлайман, чиройли имлода ба-тартиб ёзилган физика фанига доир мавзулар. "Кейин таълим сифати яхши бўлиши учун бошқа ўқитувчилардан ҳам талаб қила бошладим. Чунки ўшанда кафедрада биттагина компютер бор эди. Кейин буларни йиғиб китоблар тайёрлашда фойдаландим. Мана бу бўлса яқинда чиқарган китобимиз, иккита шогирдимиз билан тайёрладик, – дея муқовасига "Физика" деб ёзилган китобни қўлига олади домла. – Ўқувчиларга қулай бўлсин деб ҳар бўлим якунига электрон манзилларни бердик, бемалол шу бўлимдаги ҳамма мавзуларни топа олишди. Аммо китобни қўлга олиб ўқиган барибир бошқача-да, бунга яхши ҳис қиладиган талабаларимиз бор. Баъзи талабаларимиз ўқишга кирган вақтда озгина қийналишди. Балки оилавий шароити шахсий компютер олишга, қўшимча дарсларга қатнашга тўғри келмагандир. Ўқишга киргач бизда ҳамма имконият бор. Мана бизда уч йилдан буён кредит тизими йўлга қўйилган. Умуман болаларнинг мустақил изланишлари учун имконият кўп. Биласизми, илк семестр якунига бормай туриб изланувчан талабалар "ярқ" этиб ажралиб қолади. Шундай ёритадими мавзуларни, биз домлар ҳам ҳайрон қоламиз баъзан. Уларга қараб эртанги кунимиз учун қувнам...

Опа ўшанда бошқа мамлакат вакиллари ичида энг юқори балл олиб, севинчи ичига сиймай қайтганини эслайди. Икки зиёли инсон гўзал оила барпо этиб, бир ўғил ва бир қиз фарзандни вояга етказдилар. Фарзандлари ҳам уларнинг изидан эргашиб, илм йўлидан боришди. "Оила – инсон бахтининг асоси. Қачонки ҳаётининг бу қисми тинч-осойишта бўлмас экан, бошқа муваффақиётларга кўз тикиш самарасиз. Оиланинг тинчлиги, хонадон файзи эса чин маънода кўпроқ аёлларга боғлиқ. Мана бугун профессор бўлган бўлсам, бунинг ярмидан кўпида Дилбархоннинг ҳиссаси бор. Бу пичирлаб айтадиган гап эмас! Рафиқам билан аспирантурада ўқиб юрган пайтим турмуш қурганимиз. У доим мени тушунар, ҳар нима бўлмасин ёнимда эканини ҳис қилардим..."

\*\*\*

Тошкент ахборот технологиялари университети "Физика" кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг физика-техника институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгаш аъзоси сифатида мамлакатимизда юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этиб келаётган, физика-математика фанлари доктори, профессор Қаҳҳор Фаттоҳович Абдурахмонов Давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

– Шу ёшга кириб "Фидокорона хизматлари учун" ордени нега берилишини, кимларга берилишини ўйлабман. Илм йўлидаги меҳнатларимизни рағбатлантиришди. Давлат раҳбаримиз билан учрашувдан кўксимиз тоғдек ўсиб қайтдик, – дейди ўтган умридан миннатдор бўлганча домла.

– Менга ҳам кўп айтишди, аспирантурага кир дея, – эслайди Дилбар опа. – Аввалига кирмоқчи ҳам бўлдим, чунки илмий иш қилишни истардим. Аммо уйда болалар ёлғиз бўлмасин, ота-оналаримиз кексаиб қолган, уларнинг хизмати қилиб, дуосини олай деб рози бўлмадим. Оиладан бир киши илм йўлидан кетса етарли, у эркак киши бўлсин дедим. Аёл учун фарзанд тарбияси, оила доим фидойилик талаб қилади ва бир аёл учун муҳими шу. Уйимдан бир марта узоққа кетганман, у ҳам бўлса Кембриж университетига малака ошириш учун...

Қаҳҳор домланинг болалиги эски шаҳарда ўтган бўлса-да, бу ерда ватан қилганига ҳам қарийб эллик йил бўлган. Ўн йилга яқин маҳалла раиси бўлиб ишлагани учун ҳар бир оилани яқиндан билади. Мактаб йиллари урушнинг якунига тўғри келган, оиланинг катта фарзанди бўлгани учун ўқиш билан бирга меҳнаткаш отасига кўмаклашиш унинг вазифаси эди. Ўн йиллик таълимдан кейин ўқишни ТошДУ (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университети)нинг физика назарияси факултетига давом эттиради. "Мактабдаги таълим "бақувват" бўлиши керак, – дейди домла ўша дамларни эслаб. – Илмнинг пойдевори мустаҳкам бўлса, қолганида қийинчилик бўлмайди". Ўқиш якунлангач университетнинг "Физика-математика" кафедрасида илк педагогик фаолиятини олиб бораётган ёш ўқитувчи нафақат ўзидан, балки бутунлай кафедра салоҳиятидан у қадар кўнгли тўлмаётганини ҳис қилади. Бу "кўнгли тўлмаслик" илм йўлига тушган инсоннинг билимга интилиши каби табиий туйғуси бўлса керак. Отасига ўқишни давом эттириш ниятда эканини айтиб, дуо олганча Россиянинг Ленинградига отланади. 1970 йилда Ленинград политехника институтининг аспирантура босқичини тамомлаб қайтгандан сўнг яна ўзи севган университетига ўш бошлаган Қаҳҳор домла 1990 йили Воронежда фан докторлик диссертациясини ёқлайди. Бу вақтга келиб домла етита номзода илмий раҳ-

барлик қилишга улгурган, физика-математика йўналишида ўз илмий мактабини ярата олган эди. "Бизнинг даврда фан номзоди бўлишнинг залвори бугунгидек эмасди. Ёқлаётган мавзунинг бўйича бирор ечим топмай, халқ ҳўжалигига бирор енгиллик бўладиган иш қилмай туриб ҳимоя ҳақида гапиролмасдик. Бугун бўлса ёнимизга келиб, "Бешта мақола ёздим, биттаси "халқарода" чиқди. Ҳимоя қилаверсам бўладими?", дейдиган бўлишган. Аммо илм уйинчоқ ё кўнгли хушлиги учун қилинадиган иш эмас. Шу сабаб, изланувчиларга талабни қаттиқ қўйишга, бунга тушунтиришга ҳаракат қилардим. Аммо барибир...", деганча алланечук ўйга толади домла. Ҳар қандай илм кишини эзгуликка, гайратга ундагандагина қимматли, ахир.

\*\*\*

Қаҳҳоримиз 60 йиллик меҳнати, 53 йиллик илмий, 48 йиллик педагогик фаолияти давомида ярим ўтказгичлар физикаси, микроэлектроника ва махсус электрон техника, қуёш энергетикаси қурилмалари соҳасида республикамизда таниқли олимга айланди. Уч юзга яқин илмий мақолалар эълон қилди. Икки нафар фан доктори, ўн икки нафар фан номзодларини тайёрлади. Қирқ йил Ўзбекистон Миллий университетида талабаларга зиё улашган фидойи устоз, таълим сифатини ошириш мақсадида физика фанидан тўртта ўқув дарсликларини, ўндан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар ёзди. Кафедра салоҳиятини ошириш, касбдошларини янада олдин-

– Шу ёшга кириб "Фидокорона хизматлари учун" ордени нега берилишини, кимларга берилишини ўйлабман. Илм йўлидаги меҳнатларимизни рағбатлантиришди. Давлат раҳбаримиз билан учрашувдан кўксимиз тоғдек ўсиб қайтдик, – дейди ўтган умридан миннатдор бўлганча домла.

Мадина НОРЧАЕВА

## 6 IT-PARK

## СТАТИСТИКА ПЕРВОГО ПОЛУГОДИЯ 2020 ГОДА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕЗИДЕНТОВ IT-PARK

Вот уже больше года IT-Park активно развивает сферу IT и создает благоприятные условия для продвижения программной и высокотехнологичной продукции и услуг на внутреннем и внешнем рынках Узбекистана. Таким образом, IT-Park всецело поддерживает и развивает IT-компании страны, продвигает их на внутреннем и внешнем рынках и помогает привлечь иностранные инвестиции.

В настоящее время в IT-Park зарегистрировано 412 резидентов, из них 14 компаний созданы с участием иностранного капитала. По итогам первого полугодия 2020 года 116 IT-компаний получили статус резидента IT-Park, из них 28 компаний созданы в 2020 году.

Распределение резидентов по регионам Республики Узбекистан:

- Республика Каракалпакстан — 2;
- Андижанская область — 2;
- Бухарская область — 8;
- Джизакская область — 5;
- Кашкадарьинская область — 6;
- Наманганская область — 4;
- Навоийская область — 2;
- Самаркандская область — 2;
- Сырдарьинская область — 2;
- Ташкентская область — 5;
- Ферганская область — 8;
- Хорезмская область — 8;
- Город Ташкент — 358.

Из 412 резидентов, 250 резидентов осуществляют свою деятельность в сфере компьютерного программирования и консультаций, 79 оказывают услуги по размещению и обработке данных и WEB-порталов, 67 оказывают услуги по выпуску программного обеспечения и 16 резидентов осуществляют деятельность по направлению обучения информационным технологиям.

В 2017 году общая численность сотрудников ре-



зидентов IT-Park составляла 2 523 человек. В 2018 году этот показатель увеличился и составил 3 045 человек. К концу 2019 года число сотрудников компаний-резидентов было 4 584 человек. За первое полугодие 2020 года общее число работников IT-компаний возросло на 116 и составило 4 700 профессионалов своего дела.

По итогам первого полугодия 2020 года объем оказанных услуг резидентов составил 361,4 млрд. сум (по итогам I квартала 2020 года 171,6 млрд. сум), по сравнению с аналогичным периодом прошлого года темпы роста составили 177 % (по итогам I квартала 2020 года 186,1%), а объем экспорта услуг составил 6,4 млн. долларов США (по итогам I квартала 2020 года 3,8 млн. долларов США). Рост составляет более 5,8 раза по сравнению с прошлым годом.

Из 412 резидентов 48 компаний экспортно-ориентированные. Основным рынком сбыта являются Соединенные Штаты Америки, Швеция, Великобритания, Корея, Дубай, Израиль, Нидерланды, Норвегия и страны СНГ.

## IT Expo 2020

## IT EXPO 2020 ПРОЙДЕТ В ONLINE-ФОРМАТЕ

В этом году IT Expo 2020 из-за карантинных ограничений пройдет в online-формате. Об этом сообщили в пресс-службе организаторов.

Выставка будет проходить в виде виртуального пространства, где каждый посетитель сможет перемещаться по выставочной зоне самостоятельно, посещать различные секции и взаимодействовать с экспертами тет-а-тет.

## Темы выставки:

- Security Operation Center.
  - DevSecOps.
  - Импортзамещение.
  - Выполнение требований регуляторов.
  - Управление и оптимизация IT-инфраструктуры.
- Выставка пройдет 8 октября с 11.00 до 19.00.

В мероприятии примут участие



более 20 компаний, среди которых: Red Hat, Trend Micro, Palo Alto Networks, ESET, Imperva, Astra Linux, Positive Technologies и другие, которые проведут:

- Pre-sale презентации.
- Знакомство с новейшими технологическими практиками.
- Деловые встречи.

Программа выставки состоит из трех сессий:

Экспертная сессия — эксперты IT-рынка поделятся информацией

об основных тенденциях и трендах в рамках основных задач, стоящих перед специалистами ИБ и IT.

Продуктовая сессия — представители компаний-разработчиков расскажут о новых технологиях, востребованных решениях и особенностях продуктов.

Дополнительная сессия (мастер-классы) — демонстрация успешных внедрений, круглые столы с представителями компаний-разработчиков.

## ОБЩЕСТВО

## В УЗБЕКИСТАНСКИХ СЕМЬЯХ КОМПЬЮТЕРОВ ОКАЗАЛОСЬ В ТРИ РАЗА МЕНЬШЕ, ЧЕМ ТЕЛЕВИЗОРОВ

На каждые 100 семей в Узбекистане приходится в среднем по 55 компьютеров, сообщил пресс-секретарь Государственного комитета по статистике Усмон Абдурашулов в своем Telegram-канале. Это было определено на основе выборочных наблюдений домохозяйств республики.

Телевизоров намного больше — 160 на каждые 100 семей, легковых автомобилей чуть меньше — 47. Помимо этого, на 100 семей приходится 282 телефона.

В 2018 году в Узбекистане на 1000 человек приходилось 83 автомобиля. К 2025 году этот показатель планируется довести до 237 авто на 1000 человек.



## КОРОТКО...

Согласно последним сообщениям, Huawei готовится к запуску дисплеев под собственным брендом. Компания выпустит изогнутые экраны для игрового рынка. Цель Huawei — конкурировать с развивающимися производителями, такими как Xiaomi. Кроме того, в отчете говорится, что Huawei передаст на аутсорсинг производство стандартных дисплеев (не изогнутых) компании BOEVT. Эта компания является дочерней компанией ODM (производитель оригинального дизайна) BOE Technology Group.

\*\*\*

Битва между Соединенными Штатами и Китаем за контроль над критически важными технологиями может обернуться на срыв рекордную сделку для британского разработчика чипов Arm. Предложение Nvidia о покупке принадлежащей SoftBank (SFTBF) Arm за 40 миллиардов долларов требует одобрения регулирующих органов Великобритании, Европейского Союза, США и Китая.

Но всеобщее одобрение не гарантируется. И уже есть признаки того, что Китай может быть недоволен тем, что американская фирма владеет важным и стратегическим игроком в полупроводниковой промышленности.

\*\*\*

Xiaomi представила бюджетный 4K-телевизор Redmi A55. Новый телевизор уже скоро поступит в продажу на китайском рынке, а его стоимость составит 295 долларов. При этом в период предварительных заказов новинка Redmi Smart TV A55 будет предлагаться за 260 долларов.

В модели установлен 55-дюймовый дисплей с поддержкой 4K. Также заявлен расширенный динамический диапазон HDR и фирменная технология с автоматическим распознаванием и улучшением качества изображения.

В Redmi A55 еще есть поддержка голосового управления, а работает он под управлением MIUI на базе Android.

\*\*\*

Sony анонсировала A7C, новую камеру, которая на сегодняшний день является самой маленькой моделью в линейке полнокадровых беззеркальных камер Alpha.

Размеры A7C — 124,0 x 71,1 x 59,7 мм, а вес — 509 г. Он оснащен 24,2-мегапиксельным полнокадровым сенсором со встроенной системой стабилизации изображения и стандартным диапазоном ISO до 51 200. Он может снимать со скоростью до 10 кадров в секунду с автоэкспозицией и способен снимать видео 4K / 30 кадров в секунду или 1080p / 120 кадров в секунду со скоростью до 100 Мбит / с. В корпусе есть USB-C, Wi-Fi и 3-дюймовый ЖК-дисплей с регулируемым углом наклона 921 000 точек.

Мирсаид МИРФАЙЗИЕВ:

# “КИТОБ МУВАФФАҚИЯТЛАРИМ ГАРОВИ”

**Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда ёшларнинг ушбу йўналиш бўйича илм олиш, етук мутахассис бўлиб фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда “COSCOM” МЧЖ (Ucell савдо белгиси) мобил тармоғини эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган, яқинда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан “Фахрий ёрлик” билан тақдирланган умидли ёшларимиздан Мирсаид МИРФАЙЗИЕВ.**

– Мирсаид, ушбу соҳага кириб келишингизга нима туртки бўлган?

– Кўпчилик ота-онасининг касбига қизиқади. Менинг отам харбий, онам эса мактабгача таълим тизимида ишлаганлар. Мен ҳам отамнинг ёки онамининг соҳаларига қизиқшим, улар йўлидан кетишим мумкин эди. Лекин мени кўпроқ ахборот технологиялари соҳаси, интернет деган сирли олам қизиқтирарди.

Шу боис 2006 йил Тошкент ахборот технологиялари университети телекоммуникация факультетига ўқишга кирдим. Қолаверса, аниқ фанлардан баҳоларим ҳам аъло эди.

Университетда ўқиш жараёнида йўналиш танлаб олишим ва мобил алоқа соҳасига келишимга туртки бўлган инсон – устозим ва илмий раҳбарим Рустам Абдурахмоновнинг ҳиссаси катта бўлди. Устозимнинг йўл-йўриқлари билан 2-босқичда ўқиб юганимда соҳага тегишли кўплаб китоблар ва журналлар ўқий бошладим, илмий анжуманларда аввал тингловчи сифатида, кейин эса мақолалар билан иштирок этдим.

Ҳозир ҳам соҳага тегишли китоб, журналларни ўқишни қанда қилмайман. Чунки ҳар бир соҳа ходими бугунги шиддат билан тезлашиб бораётган замонда ўз устида ишламаса илми “камбағаллашиб” кетаверади. Яъни, китоб ўқиш – муваффақиятлар гарови. Тенгдошларим қайси соҳани танламасинлар қизиқишларига оид китобларни ўқишдан, изланишдан бир зум ҳам тўхтаб қолмасликлари керак. Чунки бунга имконият ҳам, шароит ҳам етарли деб ўйлайман. Жуда бўлмаганда ҳаммининг қўлида телефон, уйда компьютер бор. Истаган мавзуда электрон китоблар мавжуд.

– Демак, айнан ўша ўқиган китобларингиз, ёзган мақолаларингиз магистратурада ўқишингизга ҳам туртки бўлган. Бўлажак касбдошларингизга соҳага оид қандай китобларни ўқишни тавсия қиласиз?

– Ҳа, ўқиган китобларим муваффақиятларим гарови, деса муболага бўлмайди. Университетда ўқиган пайтларимда соҳага оид журналларнинг охириги беш йиллик нашрларини ўқишга ҳаракат қилардим, бунинг сабаби ахборот технологиялари соҳаси жуда шиддат билан ривожланиб боради. Беш йил ичида технологиялар янгилашиб кетади, соҳанинг яхши мутахассиси бўлиш учун ушбу



янгиликлар билан пешқадам бўлиш керак.

Тармоқларга оид В.Г.Олифернинг “Компютер тармоқлари”, Д.С.Гулевичнинг “Кейинги авлод тармоқлари”, Б.С.Голдштейн, А.Таненбаум каби муаллифларнинг бир қатор китобларини ўқиганман.

CISCOнинг бошланғич ўқув курсларини мустақил ўқиб, бир қатор лаборатория амалиётларини бажарганман. Шу йўл билан соҳага секин-аста кириб борганман десам бўлади.

Иш давомида кўпроқ Nokia, ZTE, Huawei каби ишлаб чиқарувчиларнинг техник ҳужжатларини ва расмий норматив ҳужжатларини ўқишга тўғри келади. Лекин шу билан бирга, доим соҳа янгиликлари ва янги технологиялар билан боғлиқ мақолаларни ўқиб бораман, турли онлайн курслар орқали малакамни оширишга ҳаракат қиламан. Вақтдан самарали фойдаланиш ва самарали бошқариш кўникмаларига эга бўлиш йўлида изланаман.

– Даствлаб ишни нимадан бошлагансиз? Бунга амалиёт қанчалик ёрдам берган?

– Талабалик даврида малака амалиётини “COSCOM” МЧЖ ХҚда (Ucell савдо белгиси) сифат назорати ва статистика бўлимида ўтказдим. Малака амалиётида олган билим ва кўникмаларим кейинчалик менга катта мотивация бўлди. Яъни, шу даврдан бошлаб ўқув ва иш фаолиятим компания билан узлуксиз боғлиқ бўлиб қолди.

Ишга дастлабки келган йилларим компанияда ахборот-коммуникация технологиялари функционал гуруҳининг базавий ва транспорт тармоқлари эксплуатацияси бўлими муҳандиси, кейинчалик марказий гуруҳ раҳбари бўлиб фаолият юритдим.

– Соҳанинг асосий фаолият йўналиши замонавий мобил алоқа тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Ушбу вазифани амалга оширишда технологиялар департаментининг роли жуда катта...

– “COSCOM” МЧЖнинг асосий фаолият йўналиши нафақат замонавий мобил алоқа тизимини ривожлантириш, балки аҳолига сифатли ва юқори тезликдаги алоқа хизматларини тақдим этиш ҳисобланади. Мен раҳбарлик қилаётган технологиялар департаментининг бир қисми, мобил тармоғини эксплуатация қилиш бўлимида 26 нафар ходим ишлайди. Бизнинг вазифамиз тармоқдаги коммутаторлар, абонентлар базаси, кириш тармоғи ва транспорт тармоғини узлуксиз ишлашни таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, замонавий технологияларни татиқ этиш ҳамда абонентлар учун янги хизмат турларини жорий этишда иштирок этамиз.

Яқин ўтган давр мобайнида тармоқнинг техник базаси тубдан янгиланди, республика миқёсида 9 хонали рақамлаш тизимига ўтилди, мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш тизими ишга туширилди, 4G тармоғи

қамрови сезиларли даражада оширилди.

“ICT Expo” кўргазмаси доирасида “Ucell” компанияси биринчи маротаба Ўзбекистонда 5G тармоғини кенгайтириш лойиҳасини амалда жорий этиш босқичини рамзий равишда ишга тушириб, 5G тижорат қурилмасини ишлашни намойиш этди.

Яна бир янгилик, бу – компания абонентлари учун Тошкент метрополитени станцияларида мобил алоқадан фойдаланиш мумкинлиги бўлди. Абонентлар учун янги бўлган eSIM, MNP, VoLTE, VoWiFi, Mobile Id каби хизмат турлари устида ўрганишлар олиб борилмоқда.

– Бугун ахборот технологиялари соҳасига қизиқаётган ва ушбу йўналишда эндигина иш бошлаган ёшларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

– Нафақат ушбу соҳада фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга, балки барча ёшларга айтмоқчи бўлганим – инглиз тилини пухта ўрганинг, тил билсангиз кўплаб маълумотларни очиш имкони пайдо бўлади. Маълумотлар олиш имконига эга бўлдингизми, энди ўз устингизда кўп ишланг: доим изланишда бўлинг, ўқинг ва малақангизни оширинг. Узингиз танлаган йўналишининг етук мутахассиси, эксперти бўлишга ҳаракат қилинг. Соҳадаги истиқболли йўналишлардан дастурлаш ва тармоқ муҳандислиги (networking) маълумларни айтиб ўтишим мумкин.

Аслида ушбу соҳа ривожланаётган, ҳаётимизнинг бир қисмига айланган айни пайтда компьютерни билмаслик жуда кўп нарсаларни бой бермоқликдир. Интернет эса илм олишнинг, ўрганишни истаганлар учун катта бир уммон, катта бир энциклопедик китобки, истаган саволга жавоб олиш мумкин. Ўша уммондан дуру гавҳар излаб топишга кетказадиган вақтингизни бекорчи ишларга сарфламанг. Мен ҳар доим ходимларга ҳам айтаман: “Бир ишни бошладингизми охирига етказишга ҳаракат қилинг, доим масаланинг самарали, тўғри ва конструктив ечимини топишга интилинг, хато қилишдан қўрқманг, хатоларни тўғирлашни ўрганинг ва энг асосийси масъулиятли бўлинг”.

– Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Барно СУЛТОНОВА  
суҳбатлашди

# ВАТАННИ УЯТГА ҚЎЙМАНГЛАР!

**Улар биз билан суратга тушишди, фотоаппаратлари ҳудди кинолардагидек, расмга олган заҳоти кичкина қоғозга чиқариб берарди. Биз учун ўша кун туш каби ўтди. Буни уйда ҳам, мактабда ҳам анча вақт гапириб юрдик.**

Дугонам Садоқат, эсингдами, қишлоғимизда ваҳимали миш-миш тарқаганда, биз энди учинчи ё тўртинчи синфда ўқирдик. “Қўшни мактабни тамомлаган қиз Тошкентга қочиб кетибди. Мактабда ўқитувчиси, сен яхши расм чизасан, отангга айт, ўқишга киритсин, деган экан шунга қочиб кетганмиш. Автобусда фалончи савдогар кўрибди, бир дунё китоб-дафтар кўтариб олганмиш...” каби гапларнинг кети узилмас эди.

Ўшандан бошлаб даштда мол-қўй боқиб юрган болалар катта йўлдан кунда икки бор ўтадиган, ойнасига боришда “Тошкент”, қайтишда “Термиз” деб ёзилган автобусга бошқача қарай бошлагандик. Унда нимадир бор эди. Баҳор ойлари ҳамма ёқ турфа гуллар билан бурканганда туристларни олиб юрадиган автобуслар эса биз учун мўъжизадек кўринар эди. Бир гал автобус тўхтаб, ундаги одамлар паства тушиб атрофни томоша қила бошладди. Биз бир тўда қора-қура болалар улар томонга югурдик, яқин боролмай сал наридан уларга ажабланиб тикилар эканмиш, улар бизни имо-ишора билар чақириб қолишди. Бир ёш аёлнинг оппоқ сочлари мени ҳайратга солди. Одам қаримасдан туриб ҳам сочи оқариб кетар эканда! Аёл бизга бир нималар дея қўлимизга конфет ва печение тутқазди. Кейин қолганлари ҳам. Улар биз билан суратга тушишди, фотоаппаратлари ҳудди кинолардагидек, расмга олган заҳоти кичкина қоғозга чиқариб берарди. Биз учун ўша кун туш каби ўтди. Буни уйда ҳам, мактабда ҳам анча вақт гапириб



**“Финландияга бориб ишламоқчи эдик, чегарани бузишда айблаб суд қилишди. Товон пули катта экан, барибир тўлолмаймиз деб сизларга айтмадим.**

юрдик. Бу воқеани эшитган тарих ўқитувчимиз “Энди ундай қилманглар, улар расмларни олиб кетишади. Ватанларига бориб, мустақил бўлган Ўзбекистоннинг аҳволи шу, болалари мана шундай юрибди, деб кўрсатишади. Ватанни уятга қўйманглар, Мустақилликни уятга қўйманглар!”, деди.

Кейин буни кўп ўйладим. Устоз бизнинг йиртилган ва кир уст-бошимизни, ширинликларига суқланган кўзларимизни уларга кўрсатгиси келмаган эди. Биз уларнинг нимасига ҳавасланган эдик. Қайсимиздир пуштиранг кўзойнақларига, турфа хил шляпаларига... Сен эса шундай дегандинг. Буларнинг болалари йўқми-а? Бўлса, уларни кимга ташлаб келишди экан. Уларнинг болаларини ўйлашим билан кўз олдимга “Гарри Поттер” киносидагидек айрича қобилиятли болалар келарди. Демак, биз ундай эмасмиш. Биз жуда оддий болалармиш, мактабимиз-у синфхоналаримиз ҳам оддий. Лекин ва-

танзимиз оддий эмас, мана келиб – кўриб юришибдику! деб хаёл қилар эдим. Шундан кейин биз ўзимизни мустақиллик ҳимоячиларидай ҳис қила бошладик. Сайёҳларнинг автобуслари қирларимизда тўхтаганда ҳам уларнинг ёнига бормайдиган бўлдик, узоқдан уларни қизиқиб, шу билан бирга Ўзбекистонни ҳимоя қилаётганимиздан гурурланиб кузатардик...

Мактабни тамомладик: Садоқат, сен билан коллежга ҳам бирга қатнадик. Ҳамманинг орзуси осмон пайтлар эди. Гўёки биз асарнинг муқаддимасида эдик ва уни тезроқ ўқиб тугатишни истардик. Кейинчалик ҳамма ўз асарининг қахрамонига айланди. Коллежни битириб ўқишга ҳужжат топширдим. Сенга рухсат беришмади... Ана шунда мустақилликнинг яна бир маъноси борлигини англагандай бўлдик – орзулар мустақиллиги, фикр мустақиллиги, инсон мустақиллиги. Уни ҳам ҳимоя қилиш кераклигини англадик, уни ҳам Ватандай се-

виш кераклигини англадик... Мен кириш синовларидан ўтолмадим. Сен ўз бахтингни кутардинг. Мен келгуси йил яна “йиқилдим”. Тамом, дейишди акаларим, бошқа ўқишни ўйламагин! Мен бу ҳукми қабул қилолмадим. Ичимдаги овознинг таскинларига овуниб юравердим, унинг айтишича ҳар биримиз битта япроқ эмас, алоҳида дарахтлар эканмиш, дарахтнинг эса ўз тупроғи ва қулоч ёзарга майдони бўлади. Баъзан овоз алдаётгандек туюлса, руҳининг эркинлигига ишондим, у мени олиб кетишига ишондим. Сен эса менинг талаба бўлишимни мендек кутдинг. Ниятимиз ижобат бўлди. Сени эса барибир ўқишга қўйишмади. Қиримиздаги йўлдан ўтадиган транспортларнинг саноғи бўлмаса ҳам ҳамон ойнасида боришда “Тошкент” қайтишда “Термиз” ёзуви бор автобус сен учун сирлилигича қолди. Болаликдаги мустақиллик туй-

ғумизнинг сирлилигича...

Садоқат, бу туйғунинг сирлилиги ҳамон мени ҳам тарк этгани йўқ. Акамни биласан. У қариндошларимиз билан чет мамлакатда ишлар эди. Табиатдан вазмин, меҳнаткаш, умуман ёлгон гапиришни эпполаймайдиган акам, уйга ҳам кам хат ёзарди. Дадам таниш-билишлардан доим уни суриштириб юрар эди. Бора-бора хатлар сийраклашгани етмагандек акамдан мутлақо хабар келмай қўйди. Кўрдим, дегани ҳам олти ой илгари қаердадир учратганини айтарди. Дадам икки марта бориб келди. Жамики аввал ишлаган жойлари, ҳамкасбларидан сўраб тайинлига ополмай уйга қайтарди. Аям йиғлаганини бизга сездирмас, “Ўзинг бергансан, Ўзинг асра” дея дуо қилар эди. Аммо, акамнинг расмини бузирганини соатнинг гардишига солиб деворга илиб қўйган, гоҳида унга қараб “Болажоним, Баҳромжоним” дея гапириб, утирганини кўрардим. Ишга кетганига олтинчи, бедараклигининг иккинчи йили куз тонларининг биринчи акам уйга кириб келди. Озиб кетган, аввалгидан ҳам камгап эди.

Дадам ва аямга айтиб бераётганда эшитдим: “Финландияга бориб ишламоқчи эдик, чегарани бузишда айблаб суд қилишди. Товон пули катта экан, барибир тўлолмаймиз деб сизларга айтмадим. Бир йил ушлаб туришди. Кетишимиздан олдин икки марта кимлардир олдимга келди, Ўзбекистонни, мустақилликдан кейинги шароитни ёмонлаб қайсидир радиога интервью беришимни сўрашди, эвазига Финландия фуқаролигини берармиш, иш, уй билан таъминлаймиш, дейишди, кўнмадим...”

Ўшанда севиндим. Акам дадани, аямни шунча куттирса ҳам Ватанни уятга қўймабди. Уни алмашмабди! Бугун ўша сўз тарих устозимиз овозида қулоқларимда жаранглайди: “Мустақилликни уятга қўйманглар, Ватанни уятга қўйманглар!” Туристларнинг конфет ва печениеларини олиб, сўнг ана шу сўзларни эшитганлар орасида акам ҳам бор эди, сен ҳам бор эдинг...

Мадина НОРЧАЕВА



**Синф эшиги очилиши билан ичкарига кириб келган директор ўринбосари ўқувчиларга янги танловни эълон қилди ва Робияга қараб, ўз тилида ҳафсаласизгина сўради:**

– Are the children's documents ready? (Болаларнинг ҳужжатлари тайёр бўлдими?)

Робиянинг "ready" деган сўзи уни қониқтирмади шекилли, тезлаштиришини айтиб чиқиб кетди. Дарс давом этаркан, ўқувчиларнинг суҳбати энди янги танлов ва ундаги иштирокларни ҳақида кечар эди. Буни пайқаган ўқитувчи уларга бировки савол бериб баҳолади-да, ҳали чаласи бор ҳужжатларни титкилай бошлади.

Робиянинг ҳаётидаги кутилмаган ўзгариш туфайли у турмуш ўртоғи билан Америкага келиб қолган ва шу ердаги мактаблардан бирида тарих фанидан дарс беради. Хужжатларни бирма бир кўздан кечирар экан, ўқувчилар исмини айтиб пичирлайди: Раҳимов Сардор, Ҳаликов Амир... Миллати ўзбек, миллати ўзбек. Синфдаги болаларнинг деярли саксон фоизи ўзбекларнинг болалари, аммо уларнинг ўзбеклиги фақат қоғозда, холос. Робиянинг ўзига ўзи гудурлангани инглизча шiorлар билан безатилган хона деворларига сингиб йўқоларди.

Дарсдан сўнг йўлак охирида ўқитувчисини кутиб турган Амир ундан танловда қатнашишга ёрдам бериб юборишини сўради. Робия танлов шартларини эшитиб, бирма-бир таҳлил қилиб берди-да, охириги учинчи шартга келиб тўхтаб қолди. Учинчи шарт ўзи хоҳлаган бирор бир тилда ва бирор мавзуда чиройли нутқ тайёрлаш шarti эди.


– Амир, – сўради тўсатдан Робия. – Have you been Uzbekistan? (Сен Ўзбекистонга борганмисан?)

– Йўқ, – деди Амир узун киприklarини пирпиратиб.

– Do you want to go? (Боршини истамаганмисан?)

Амир жавоб ўрнига елка қисди. Бу ҳолат Робияга бироз эриш туюлди. Унинг синфни битираётган боланинг келиб чиқиши ҳақида қизикмаслигидан ранжиди ва ота-онанинг айби учун бола жавоб бермайди, қабилидаги гап билан ўзига таскин берди.

Амир бу ҳолатга изоҳ бериш ўрнига телефон тугмасини босиб, кўнғирқоқ жавоб беришни афзал кўрди. Робия Амирга танловда қатнашишга ёрдам беришини айтди. Улар бироз суҳбатлашиб туришди-да, кейин хайрлашишди.



# ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Робия Амирни ўзича танловга тайёрлай бошлади. Уни уйига таклиф қилди. Ўзбекистон ҳақида турли маълумотларни айтиб берди, Ўзбекистондаги тарихий жойлар ҳақидаги видеолавҳаларни кўйиб кўрсатди, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ҳақида гапирди, айниқса, тилининг нақадар гўзаллиги тўғрисида сўзлаб, уларни турли шеърлар айтиб (албатта русча ва инглизча таржима билан) изоҳлаб берди. Уларнинг ҳар куни дарсдан кейинги суҳбатлари Ўзбекистон ва унинг гўзал тили, бу тилнинг вужудга келиши ва асосчилари ҳақида бўлди. Амир бу суҳбатлардан завқланар, ўзи ҳам Ўзбекистон ва ўзбек тили, у ердаги машҳур инсонлар: адабиётчилар, тилшунослар, давлат арбоблари, тарихий шахслари ҳақида турли маълумотларни излаб топиб ўқирди-ю Робиядан ҳамон қайсидир тилда ёзилган маъруза кўринишидаги нутқнинг тайёр матнини кутарди. Чунки Робия унга "Мен сенга ўзим барчасини тайёрлаб бераман", – деганди-да. Танлов ўқувчилар пухтароқ тайёрланишлари учун бир ой олдин эълон қилинган бўлиб, Амир ва Робия унга йигирма кун тайёрланиш эди.

Амирнинг хаёли ҳамон устоzi томонидан тайёр қилиб, ёдлаш учун бериладиган қоғозда эди. Танловга оз фурсат қолганди. Бир куни мактаб директори синфга кириб Робиянинг бетоб бўлиб қолганини, бирон ойлари унга ишга чиқолмаслигини, уларга бошқа ўқитувчи дарс ўтиб туришини айтиб чиқиб кетди. Амирнинг авзойи бузилди, ҳафсаласи пир бўлди. Чунки синфдошлари ўзлари ёзган маърузаларини бир-бирларига кўрсатиб, танаффусларда тайёрланишгаётган эди.

Дарсдан кейин уйга кеч қайтган Амир компютеридagi почтасига хабар келганини кўриб, видеохабарни кўриш тугмасини босди. Видеохабар Робиядан эди. Бетоблик туфайли таътилга чиқ-

қан муаллима бироз ҳолсиз кўринар эди. У ютиниб-ютиниб гапирарди:

– Амир, кечир мени, танловга оз фурсат қолганида бетоб бўлганимни қара-я... Сенга ваъда бериб қўйгандим... Лекин мен сенга унча кўп бўлмасда, асосий етарли маълумотларни бериб бўлдим. – Робия сўзларни хижжалаб таржима қилар, гапиршига қийналар, ўқтин-ўқтин йўталар эди. – Амиржон, мен сенга ишонаман, – деди гапнинг сўнгиди. – Ўзбеклар ҳақида гапир. Қайси тилда гапирсанг ҳам мен сенга айтган гапларим, берган маълумотларимдан фойдалангин. Илтимоc қиламан.

Бу гапларни у ўзбек тилида гапирар, гап орасида айтган гапларининг таржимасини ҳам айттарди. Видеохабар шу ерда тугади. Амир устозини кўриш учун боришга уринди. Лекин уни кўриб кўнгли бузилишидан, бу албатта унинг руҳиятига, қолаверса, танловдан совшига таъсир қилишидан чўчиган Робия Амирнинг уйига келишига унамади.

Танлов бўлаётган куни Амир онасига бу ҳақда яна бир бор эслатиб, эрта тонгдан мактаби томон шошилди. Мактаб ҳовлиси ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар билан тўлган. Кимдир ўзи ёдлаган шеърни такрорлаган, кимдир уст-бошини тўғирлаган, яна кимдир ҳаяжонини босиш учун дуо ўқирди. Ва ниҳоят танлов бошланди. Ўқувчиларнинг фамилияси алифбо тартибда жойлаштирилган, танлов қатнашчилари бирин-кетин шартларни бажаришмоқда. Танловга турли тиллар учун таржимонлар чақирилган. Болаларнинг кўпчилиги мактаб, оила, дўстлик ҳақида нутқ сўзлашди ва уларнинг кўпи инглиз, рус тилларида эди. Навбат Амирга етиб келди. У саҳнага чиқиб, кўзлари билан онасини излади ва тўртинчи қаторда ўтирган отасини, унинг олдида онаси ҳамда уларга яқин ўзбек дўстларини кўрди.

Залда турли миллат вакиллари, яъни инглизлар, араблар, ҳиндлар, руслар ва ўзбеклар ҳам бор.

Танлов бошловчиси инглиз тилида эълон қилди:

– Finally, we invited our last participant Amir Khalikov to the stage to fulfil the third condition of the competition. (Ва ниҳоят танловнинг учинчи шартини бажариш учун сўнгги иштирокчимиз Амир Холиқовни саҳнага таклиф этамиз.) Амир худди катталардек виқор билан турар, бўйнида капалак шаклидаги бўйинбоғ, кўли кўксига эди. Залда ўзгача бир сеҳрли, жарангдор товуш янгради:

– Assalomu aleykum, aziz dўstlar, otalar, onalar, ustozlar va millatdoshlarim! – Унинг бошқа тилда эмас, айнан ўзбек тилида сўз бошлагани ҳаммани, айниқса, залдаги ўзбекларнинг диққатини тортиб, барча жим бўлиб қолди. Унинг сўзлари раво, тилидаги камчиликлар деярли сезилмас эди. У яна ўша оҳангда, ўша қатъият билан давом этди. – Инсоннинг ким бўлиб дунёга келиши, қайси ирққа мансуб бўлиши, қайси динга сифиниши, қайси миллат, элатга тегишлилиги ва қаерда яшаши фақатгина Яратганнинг измига боғлиқ, – Амир айтаётган сўзларига шу даражада тайёрланган эдики, унинг гаплари, хатти-ҳаракатлари, қарашлари бир-бирига ҳамоҳанг кўринарди. У аввалига турли юртлар, динлар, миллатлар ҳақида гапирди-да, сўзини инсон миллати учун ўтмиши ва келажagi учун муҳим бўлган тилга олиб келди. У дунё даҳоларининг тил ҳақидаги фикрларини келтириб ўтар, унинг гапларини сўзма-сўз таржима қилиб турган таржимон аёл таажжубини, унинг фикрларидан ҳайратда эканлигини кўз қарашлари орқали билдирар, томошабинларни олқишлашга чорлаб, "Good, good" дея қарсак чаларди. Амирнинг ота-онаси ҳам бошқаларга қўшилиб қарсак чалишар, ёнларидаги дўстларининг

мақтовларига миннатдорлик табассумларини улашшар, лекин фарзандларининг бу қадар жиддий сўзларни айтаётгани ва танловга бу қадар жиддий тайёрлик кўрганидан ўзлари ҳам иччиларидан ҳайратда эдилар.

– Қадрли дўстлар, – дея яна гапида давом этди Амир. – Инсон ўз ўтмишидан йироқлашар экан, ўз миллатидан, ўз тилидан, ўз лигидан йироқлашиб боради. Бу эса инсоннинг келажagi ривожига таъсир кўрсатмай қўймайди. Инсон қайси миллат, элат вакили бўлмасин, ўз динини, миллатини, тилини ва ўтмишини асраб қолмоғи лозим. – У энди ҳаяжонларини анча босиб олган, залда худди миллат қахрамони сингари эркин, салобатли кўринишда турарди. – Мен ўзбекман ва бундан фахрланаман. Мен бугун нутқимни сизларга ўз она тилим, яъни ўзбек тилида тақдим этдим. Чунки Она тили – миллатнинг руҳидир, – деди-да яна кўлини кўксига қўйди ва баланд, жарангли овоз билан шеър ўқиди:

– Она тилим, сен борсан шаксиз,

Булбул куйин шеърга соламан.

Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,

Мен ҳам тўпти бўлиб қолам...

Залнинг бурчагида Амирнинг сўзларини хижжалаб таржима қилаётган аёлнинг кўзларида ёш қалқиди. – Баракалла, ўзбек, – дея келиб Амирнинг пешонасидан ўпди. Танлов ўз якунига етди, залда олқишлар, гуллар. Ҳамма ўз яқинини табриклаган. Ўқувчилар турли йўналишлар бўйича тақдирландилар. Амирга "Young patriot" ("Ёш Ватанпарвар") деб ёзилган диплом топширилди. Уйга қайтишда Амирга ота-онаси бирор бир сўз дея олишмади. Чунки уларнинг уйида рус ва инглиз тилларида сўзлашган ва бугунги ҳолат уларда уялиш ҳиссини пайдо қилган эди. Ҳатто ойисининг "Сен ўзбекчани қачон бунчалик ўргандинг, қачон бунчалик улғайишга улғурдинг", – деган саволи ҳам жавобсиз қолди.

Амир эртаси кунийёқ устозининг уйига борди ва унинг туғилиб ўсган юрти Ўзбекистонга, ўз яқинлари ёнига кетганини эшитди. Кечга томон хомуш уйга кириб келган Амирни отаси жилмайиб кутиб олди ва кўлига ўзи ва ўғли учун икки кишилик Ўзбекистонга деб олинган чипталарини тутқазди. Амирнинг ота-онаси нима сабабдан Америкага боришганини билмайман-у лекин энди Амир ўзи англаб етмишга уринаётган ҳақиқати томон интилаётганига ва унинг ҳаётида кескин бурилиш ясаган устозига миннатдорлик билдиришига аминман.

**Қувончбек САЛИМОВ,**  
Қарши туманидаги  
42-мактабнинг она тили  
ва адабиёт фани ўқитувчиси

# 10 | МУЛТФИЛМЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Охириги пайтларда фарзандларимиз учун кўплаб ўзбек мультфильмлари яратилган. Қолаверса, хориж ижодкорлари томонидан шу қадар кўп мультфильмлар тақдим этиляптики, болажонларимиз учун уларни саралаб кўришда катта имконият бу. Аммо, афсуски, ҳали нима яхширо нима ёмонлигини англаш ёшида бўлмаган ўғил-қизларимиз бу фильмлардан қандай сабоқ чиқаради – мана бу ҳақиқий муаммо. Болалик хотиралари ҳали унутилмаган ёшларимиз бугунги кун мультфильмлари ҳақида қандай фикрда?



## ҚИЗЛАР ЗУМРАДГА ЭМАС, БАРБИГА ҲАВАСДА

Дам олиш кунларининг бирида уйда фақат мен ва етти яшар синглим қолдик. Уйга топширилган вазифаларни қилиб бўлган, телевизор томоша қилгим келди ва кўзларини зангори экрандан уза олмаётган бегубор синглимни кўриб унга ҳалал бермаган ҳолда узоқроқдан у кўраётган мультфильми мен ҳам томоша қилдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, экраннинг куйи тарафига "7+" белгиси қўйилган филми кўриб, ўз-ўзимдан уялиб кетдим. "Ҳонқизининг саргузаштлари" номли мультфильмда "ажабтовур" сахналарни кўриб, синглимни

телевизор қаршисидан узоқлаштирадим, дарсини тайёрлаши учун хонасига киргизиб юбордим. Шундай эпизодлари бор эканки, "Ҳонқизи" ва "Абжир мушук" деб номланувчи кўштирноқ ичидаги халоскорлар ўзгаларга ёрдам бериш учун эмас, бир-бирларига бўлган муҳаббатларини исботлаш учун ҳаракат қилишаётгани фантасия томошабин учун ойдек равшан бўлиб турибди. Кўп қисмли мультфильмнинг қолган сонларида бу икки қаҳрамон айтиб бўлмас ҳаракатларни ҳам намойён қилиш экан. Бу ҳам майли, ҳар куни "Болажон" телеканалидан бериб бориладиган "Ну, погоди!" – "Се-

ними, шошмай тур!" мультфильмининг баъзи сахналарида ҳайвонлар очиқ-сочиқ ички кийимларда дарё бўйида дам олаётганлари сахнаси болага нима беради? "Соҳибжамол ва Маҳлуқ" мультфильмини кўрмаган инсон бўлмаса керак. Агарда синчиклаб томоша қилсангиз шундай бир эпизодга гувох бўласиз. Яъни, асар қаҳрамонларидан бири соҳибжамол Белл кўчаларда ўз хусну малоҳатини кўз-кўз қилиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушиб боради ва шу пайтда ўз саватига кўпгина бола солиб олиб уларни эплай олмайётган, жулдур кийимларни кийиб олган бир аёл Беллга ҳавас кўзи

билан қарайди. Бу эпизоддан шундай маъно олиш мумкин: агарда болаларинг кўп бўлмаса сен ҳам шундай гўзал ва хушбичим бўласан. Ортиқча бола бошга бало, барчаси сени қийнайди ва сен ўзинга вақт ажрата олмасдан қари кампирга айланиб қоласан. Бундай яширин гоъларни ўзида жам қилган мультфильми кўриб турган жажжи болажонларнинг хаёлидан нималар ўтмайди экан. Ўз-ўзидан, мен ҳам Беллга ўхшаган гўзал қиз бўламан, болаларим бўлса қари кампирдек бўлиб қоламан, деган фикрлар келиши турган гап.

Телеканалларда болалар тарбиясига эътиборли бўлинглар дейишадими ахлоқсиз мультфильмларни эфирга узатиб болалар онгини ўзлари заҳарлаб қўйишади. Бугун сингилларимиз Зумрадга ўхшаб доно ва меҳнатқаш, оқила қиз бўлишни эмас, Барбига ўхшаган ҳаракат қилишаётган бир пайтда телеканаллар болажонларни янада кўллаб-қувватлаётгани ачинарли ҳолат, албатта. Биз масъуллардан илтимос қилиб қолган бўлардик. Ҳар бир сериал, филм, клип ва мультфильми томошабинларга тақдим этишдан олдин синчиклаб ўрганишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Равшанбек РАИСОВ,  
Наманган шаҳридаги  
82-мактабнинг 10-синф  
ўқувчиси



## СЕВИМЛИ ҚАҲРАМОННИНГИЗ КИМ?

Болалигимда отам (раҳматли) менга мақол, топишмоқ ва эрталар айтиб беради. Ва аниқ эсимда, расм дарсида "Менинг сеvimли қаҳрамоним" мавзусида сигир расмини чизганман. Негаки, менинг сеvimли қаҳрамоним отам айтган "Кўксигир" эртагидаги сигир эди (кейин билсам, бу "Золушка" эртагининг отам талқинидаги қаҳрамони экан). Албатта бу кулгили. Бироқ сигир бўла туриб, инсонга яхшилик қилади. Мен ҳам укамга кўп эрталар айтман. Бироқ унинг энг сеvimли эртаги битта: "Осмондаги торт". Мен ҳам отам сингари Ж.Родарининг "Осмондаги торт" эртагини ўзбекча талқин қилганман. Ва укамда яхши ният албатта амалга ошишига, ҳаётда ҳар нарса бўлишига ишонтирганман.

Нима учун кейинги пайтларда телеканалларимизда чет эл, айниқса, рус мультфильмлари кўп қўйилади. Бошқа давлат мультфильмлари ҳам боланинг ўсиши, вояга етишида албатта ижобий мотивациялар бериш учун яратилган. Улар ҳам мультфильмлари ўзларининг жондан азиз болалари учун ёзишган. Бироқ ўз оиласидан бошқа муҳитни кўрмаган, боғчадан ё мактабдан бошқа жойда дўстлари йўқ митти болажонлар чет эл мультфильмларини англаб ета олармикан? Улар ҳар бир мультфильмининг тагидаги теран маънони тушунар-

микан. Албатта йўқ. Агар янги мультфильм яратиш жуда қийин ё узоқ вақт ва маблағ талаб этса, бунинг ўрнига ўша чет эл мультфильмларини ўзбекча талқинида ишлаб чиқиш мумкин. Шу жиҳатдан ҳам ўзбек ижодкорлари яратган, ўзбек оилаларидаги муҳитга тўғри келадиган, болаларга таниш бўлган воқеликлар асосида олинган мультфильмлар улар учун фойдалироқ бўлар эди, назаримда. Мультфильм қаҳрамонларининг ўзбекча чеҳраси, боланинг бирор танишига ўхшаган исми ёки у кўрган бирор воқеага қисман ўхшаб кетадиган мультфильмнинг болага таъсир доираси кучлироқ.

Ҳар бир болани ёшлигида сеvimли қаҳрамони бўлади. Шундай экан, кўрkinчи ва даҳшатли махлуқлар болажонларимизнинг қаҳрамонига айланиб қолмасдан, уларга инсонийликдан сабоқ берадиган ижобий қаҳрамонлар кўпайиши учун ҳаракат қилайлик. Масалан, меҳрибон бобо-бувилар, олижаноб тарбиячи, жасур акалар, мулоим ола-сингиллар каби қаҳрамонларни яратиш мумкин!

Кумуш Одина  
ҚАРШИБОВЕВА,  
Мирзаобод туманидаги  
22-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

## ҚУРБАҚАГА АЙЛАНИШ ШАРТМИ?

ёхуд "Шаҳзода ва малика" қабилидаги мультфильм қачон тугайди?

Бир қурбақа чиройли қизга ялинапти:

– Мени ўпсанг шаҳзодага айланаман....

Жуда кулгули. Тупна-тузук йигитни қурбақага айлантираётган ижодкорларга ҳам қойил қоласан. Англаганингиздек, бу бир мультфильмдан диалог эди. Хориждан мана шундай мультфильмларни таржима қилиб халққа етказаятганлар ким экан? Нега ука-сингилларимиз буларни кўриши керак?

Ота-оналар қаерга қараяпти? Болани овутишнинг бошқа йўли йўқми? Ҳа дарвоқе, уларга ҳам қийин. Мажбур телевизор қўйиб беради. Ўзи эса интернетдан баҳра олиши лозим. Ахир "Эстрада юлдузлари"нинг яп-янги либослари лайк босиб керак-ку. Нима деб ўйлайсиз? Мана шу жараён шунчалик боласининг тарбиясидан ҳам зарурроқми? Келинг, мавзудан четлашмайлик (Мавзу эстрада юлдузлари ҳақида эмас-да). Ҳар куни "Болажон" каналда берилаётган чет эл мультфильмлари болажонларни қандай тарбияляпти? Уларга фойдаси борми? Ҳали мактаб остонасига энди қадам қўядиган миттиларимизни севги-муҳаббатга ўргатсак – улар қачон бирон касб ўрганишга,



ўқишга тайёрланишга вақт ажратади?

Бу мавзуга қўл уришдан олдин бир неча нафар оналар билан суҳбатлашдим. Ҳаммаси бир гапни такрорлайди: "Ҳозирги мультфильмлар ҳам бир хил бўлиб қолди. Ҳаммаси фантастика. Иблислар, қароқчи, ўғирлар ва аллаббалолар. Бугунги болаларда олдинги шўхлик, соддалик йўқ".

Бола ўзимизники. Унга қандай тарбия бериш, нима қилиши, қайси иш билан шуғулланаётганидан хабардор бўлиш ҳам ўзимизга боғлиқ. Болаларга қаердаги фантастика эмас, қийинчиликларни енгиб ҳаёт кечириб, меҳнат қилиб пул топиш кераклигини бугун ўргатмасак, бошқа қачон вақт топамиз? Барча мультфильмларда қорни катта бой ва камбағал образи билан фарзандларимизни ватанпарвар қила оламизми? Хулоса ўзингиздан. "Сенга нима, ёқмаса қурма" деб айтиётганларга битта гап: Эртага болангиз қурбақага айлansa, мендан ўпкаланманг!

Таваккалжон ОБИДЖОНОВ,  
Фаргона вилояти,  
Сўх тумани

Албатта, юқоридеги фикрлар шахсий бўлиб, қўшилмаслигингиз мумкин. Нима бўлган ҳақда ҳам, ёшларимизнинг қўнучаклиги, ука-сингилларининг мурғак қалбларини фақат эзгуликлар билан тўлдиришни истаётганликлари қувонарли. Фарзандларимизни яхшилик, меҳр-оқибат мужассам фильмлар билан улғайганига нима етсин!

Саҳифани Нигора РАҲМОНОВА тайёрлади



# БАХТ ГОРМОНИ

Ҳаётга очиқ чеҳра билан боқинг, шунда унинг гўзаллигини кўра оласиз

Шундай ибора бор: агар бахтли бўлишни истасангиз – эришинг. Бироқ, бахтли одамлар унчалик кўп эмас – биз кўпинча тушкунликка тушамиз. Буларнинг сабаби эса, бизда баъзан керакли гормонлар етишмаслигидир.

Психологларнинг таъкидлашича, инсоннинг кайфияти унинг ўзига боғлиқ. Ҳаётдан завқланиш ва бахтли бўлиш учун ҳаётга фалсафий ёндашиш даркор. Демак, иккита қоидага амал қилишимиз керак:

1. Арзимас нарсаларга қайғурманг.
2. Ҳаммаси арзимас нарсалар.

Фақат олимларни шуларнинг ўзи қаноатлантирмайди: ўзингизни хоҳлаганингизча бахтли бўлишга ишонтиришингиз мумкин, аммо бу амалга ошмайди. Чунки бахт ёки қувонч гормонлари деб аталувчи жуда аниқ кимёвий моддалар сизнинг кайфиятингиз учун жавобгардир.

## Бахт гормони қандай номланади?

Улар тўртта бўлиб, ҳар бири бевосита ёки бирон-бир тарзда бизнинг ижобий муносабатимиз учун масъулдир, лекин айна пайтда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор.

**Дофамин.** Бу асаб импульсларини уза-тишда иштирок этади ва асаб тизимининг нормал ишлаши учун жавоб беради. Шунингдек, унинг “хизматида” овқатланиш, интим муносабатлар ва тегиниш алоқаларидан қониқиш ҳисси мавжуд. Биз у (ва яна окситосин) туйғайли ошиқ бўламиз. У оналик муҳаббати ва меҳр туйғуларини ҳам шакллантиради.

Бундан ташқари, дофамин бизнинг мотивацияларимиз учун масъул, чунки кўпинча у завқланиш пайтида, кутиш жараёнларида ишлаб чиқарилмайди. Бу жуда ёқимли нарсадан олдин пайдо бўладиган эйфориянинг ўзгинасидир – бунда ҳам дофаминнинг таъсири бор. У жуда фаолдир ва ҳаракатга чорлайди.

**Серотонин.** Бу гормон эса, аксинча, бизнинг асаб тизимимизни сусайтиради. Аммо шу билан бирга, у ижобий ҳис-туйғуларга

ҳам жавобгардир. Бу ерда эркак кишининг эякуляциясини мисол келтириш мумкин.

Экстаза ва эйфория пайтида ушбу гормон даражаси доимо юқори. Ва унинг етишмаслиги билан депрессия пайдо бўлади. Айтганча, танада серотонин етарли миқдорда ишлаб чиқарилиши учун ултрабинафша нурлар керак. Шунинг учун биз қишда – қуёш нурлари кам бўлганда тушкунликка кўпроқ мойил бўламиз.

**Окситоцин.** Бу гормон ишқий муносабатлар учун масъул. Шунингдек, у қўрқувни, хавотир ва безовталиқни камайтиради, севги-муҳаббат (жумладан, оналик меҳри) ва дўстлик туйғуларига жавобгардир. Окситоцин эркакларда одамларга бўлган ишонч даражасини оширади, баъзида танасида бу гормон ҳаддан ташқари кўп бўлган одам алдовни осонгина кечиради.

Ва яна бир қизиқ факт: ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, организмдаги ушбу гормоннинг юқори дозалари алкохолга қарши иммунитет ҳосил қиладди. Мутахассисларнинг фикрича, бу ичкиликка қарамликни даволашда ёрдам беради.

**Эндорфинлар.** Бунга бизнинг эйфориямиз (шижоатимиз) учун жавоб берадиган гормонларнинг бутун бошли гуруҳи киради. Айтганча, “эндорфинлар” номи иккита сўздан келиб чиққан: “эндо” – ички ва морфин. Яъни, бу бизнинг ички морфинимиз. Ҳа, айнан уша дори. Чунки барча эндорфинларнинг таъсири афюн гуруҳининг стимулятори таъсирига жуда ўхшашдир.

Инсон танасидаги эндорфинлар стрессли вазиятларга жавобан ҳосил бўлади. Улар организм пайтида кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Шунингдек, улар жисмоний юктамалардан кейинги мушаклар оғриғини камайтиради.

## Бахт гормонлари манбаи

Танадаги бахт гормонларини ошириш йўллари одатда соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ.

## Спорт билан шугулланинг

Жисмоний фаол одамларда бахт гормонлари даражаси ҳар доим юқори бўлади. Бунинг ўзингиз ҳам биласиз – спорт машғулотларидан сўнг доим мамнулик ҳисси пайдо бўлади.

Агарда спорт билан гуруҳларда шугуллансангиз, танангиз янада кўп бахт гормонлари ишлаб чиқаради.

## Ижод қилинг

Шунингдек, ўзингизга ёқадиган бирор хобби – сеvimли машғулотингиз бахт гормонларини ишлаб чиқаради. Қўшиқ куйланг, рақсга тушинг, расм чизинг, балиқ овланг ёки гуллар парваришланг, кино, музей ёки концертларга боринг, маркалар йиғинг ёки пайпоқ тўқинг – нима қилсангиз ҳам, муҳими, ундан роҳатланинг.

## Кулиб юринг

Табассум, кулгу ҳам бахт гормонлари манбаидир. Майли, ҳаётда ҳеч қандай кулгули нарсалар бўлмасин, қўяверинг, сиз кулишга ҳаракат қилинг: латифалар ўқинг, ҳазил дастурларини, комедияларни томоша қилинг... Асосийси, завқланинг!

## Бахт гормонлари қайси маҳсулотларда мавжуд?

Аслида, гормонларнинг ўзи бирор бир маҳсулот таркибида қирмайди, улар нисбатан бекорот молекулалардир ва ошқозон-ичак трактида парчаланаяди. Аммо озиқ-овқатлар таркибида аминокислоталар мавжуд бўлиб, улар танада бахт гормонларини ҳосил қиладди. Буларга банан, кўкатлар, ёнғоқ ва уруғлар, жўхори, қора шоколад, аччиқ қалампир ва сут маҳсулотлари киради.

Хуллас, ҳаётга очиқ чеҳра, ижобий нигоҳ билан боқинг, инсонларни сеving, уларга меҳр улашинг, бошқаларнинг ютуқларига ҳавас билан қаранг – шундагина ҳақиқий бахтни ҳис қиласиз.

Усмонжон Йўлдошев  
тайёрлади

## ТАБАССУМ — ЯХШИ КАЙФИЯТ ТУГМАСИ



Ҳар бир фаслнинг ўз зийнати борлиги барчага маълум. Ва яна ҳар бир фаслнинг инсон руҳиятига таъсирини ўзида ҳис қилмаган киши йўқ бу оламда. Теварак-атрофни кўзни қамаштирувчи рангларга буркаган фаслларда ўзингизда маънос ва тушкун кайфиятни ҳеч сезганмисиз? Агар айна пайтда руҳий зўриқиш, ҳафсаласизликдан қийналаётган бўлсангиз, қуйидаги маслаҳатимиз Сизга ёрдам бериши, шубҳасиз.

### Жисмоний фаоллик

Статистик маълумотларга кўра, одамлар орасида спорт билан шугулланганлар депрессия, яъни руҳий тушкунликка беш марта камроқ учраб экан.

### Қаддингизни тик тутинг!

Букчайган елка, сўлгин нигоҳ – Сизнинг “Мен ҳам қайғудаман” деган дастхатингиз белгисидир. Лекин бу ҳолатнинг атрофингиздаги одамлардан кўра ўзингизга зиёни кўпроқ. Утказилган тажрибалар натижасида ҳар қандай инсон ўзини қайғули ҳолатга солса, кайфият бирдангина йўқолади ёки аксинча, оптимистик ҳолат қайғунини ҳайдайди. “Қаддингизни тик тут – кўнглинг ёзилмайди”, деб бекизга айтилмаган, ахир.

Табассумни эса физиологлар “яхши кайфият тугмаси”, дейишади. Ҳаттоки, кўзда ёш билан мажбуран қайғуни ҳайдайди. “Қаддингизни тик тут – кўнглинг ёзилмайди”, деб бекизга айтилмаган, ахир.

### Музлатгични очинг

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам маълум даражада Сизга бахтли лаҳзаларни ҳада этиши мумкин.

Қувонч, хурсандчилик гормони – серотонин шоколад, олма ва олхўрида кўпроқ учрайди. Таркибида триптофан аминокислотаси мавжуд сут, туҳум ҳамда дук-какли ўсимликлар маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилсангиз, кайфиятингиз анча кўтарилаяди. Шунингдек, углеводга бой булган нон, картошка ва макарон эса тинчлантирувчи хусусиятга эга.

Австралиялик олимлар ёмон кайфиятда ишга келган ходим жамоадаги барча касбдошларини қайғуга солиб қўйишига 20 дақиқа вақт кифоя эканлигини аниқладилар. Мана шунинг учун ҳам доим ҳаётдан рози, умрини шўкроналик билан ўтказётган, келажакка эса ишонч билан боқётган бахтиёр инсонлар даврасида кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг...

## 12 АЛОҚА ОЛАМИДА



## СИЁСАТ

## ТРАМП РУХСАТ БЕРДИ: ТИКТОКНИ АМЕРИКАНИНГ ИККИ КОМПАНИЯСИ СОТИБ ОЛАДИ

АҚШ президенти Доналд Трамп TikTok сервисининг АҚШдаги бизнесини Oracle ҳамда Walmart компаниялари сотиб олишига розилик берганини журналистларга маълум қилди.

Oracle ва Walmart эълон қилган баёнотга кўра, бу икки компания янги ташкил этилаётган TikTok Global компаниясининг 20 фоиз акциясига эгаллик қилишади. TikTok Global эса мазкур оммабон видеосервисининг АҚШ худудида ҳамда халқаро бозордаги "аксарият фойдаланувчилар учун" ишлашига маъсۇл бўлади.

Айтиш керакки, Oracle бунда TikTokнинг "хавфсиз булутли провайдери" вазифини бажаради. Унинг серверларига 100 миллионлаб АҚШлик TikTok фойдаланувчиларининг маълумотлари жойланади. Walmart компанияси ихтиёрига эса TikTokдаги электрон савдо технологиялари ҳамда рекламалар ўтади.

Oracle баёнотида таъкидланишича, TikTok Global компанияси АҚШда 25 мингдан ошқин уч ўринлари яратади ва АҚШ газнасига 5 миллиард доллардан ортқ тўлов қилади.



## МОНИТОРЛАР

## ОДДИЙ МОНИТОРНИ СЕНСОРЛИГА АЙЛАНТИРИШ МУМКИН

Энди исталган монитор ёки ноутбукни сенсорли бошқариш мумкин — интернетда Bluever Hello X2 қурилмаси пайдо бўлди. Унинг ёрдамида қўллар ва стилусдан ҳам фойдаланса бўлади — чизиш ёки ёзиш мумкин.



Bluever Hello X2 экран бурчагига ўрнатилади — 10дан 27 дюймгача мониторларга тушади. Энг муҳими, экран қалинлиги 2,8 ммдан ошмаслиги керак.

Қурилма камера ва инфракизил узатгичлар воситасида бармоқ ёки стилус теккан нуқталарни аниқлайди. Синхронлашув учун ушбу қурилма компьютерга USB орқали уланади; Windows ва MacOS да ишлайди.

Қурилмага Kickstarterда буюртма бериш мумкин. Bluever Hello X2 нархи — 69 доллар.


## РОБОТОТЕХНИКА

## ЯПОНЛАР 18 МЕТРЛИ РОБОТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРИШДИ

Япониянинг Иокогама шаҳрида баҳайбат робот ясалди. Унинг бўйи 18 метрга тенг. Робот бош ва қўл-оёқларини қимирлата олади.

Улкан роботларга бағишланган Gundam Factory Yokohama кўнгилочар музей-боғи учун мўлжалланган ушбу роботни қуриш 2020 йил бошида бошланганди. Роботлар боғи июл ойида очилиши режалаштирилганди. Бироқ коронавирус пандемияси туфайли аввалига октябрнинг бошига кўчирилди, кейин эса номаълум муддатга қолдирилди. Йил давомида очилиши кутилмоқда. Gundam паркнинг асосий диққатга сазовор жойига айланади. Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, бу — битта робот эмас, балки одамлар томонидан бошқариладиган роботлар жамланмаси.

Ишлаб чиқарувчилар ўз ихтироларини аллақачон синовдан ўтказишди. Ижтимоий тармоқларда пайдо бўлган кадрларда роботнинг ҳаракатлишини кўриш мумкин. У бошини буради, қўлларини силкитади ва оёқлари билан қадам ташлайди.



## ХАВФСИЗЛИК

## СНОУДЕН ЎЗ ГОНОРАРИНИ АҚШ ҲУКУМАТИ БИЛАН БЎЛИШИШГА РОЗИ

АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги ҳамда МРБ собиқ ходими Эдвард Сноуден ўзининг "Шахсий иш" китоби сотуви ҳамда маърузаларидан тушган маблағлар ҳисобидан Қўшма Штатлар ҳукуматига 5 миллион доллардан кўпроқ маблағни ўтказиб беришга рози бўлди.


АҚШ ҳукумати даввосида Сноуден махсус хизматларда ишлаган пайтида маълумотларни очиклашмаслик тўғрисидаги мажбуриятга зид равишда кейинчалик мемуарлар чоп этгани, хусусан, "Шахсий иш" сотилишидан тушган барча даромадлар АҚШга тегишли экани таъкидланган эди.

Америка ОАВларида кўра, Сноуден ўз

китобини сотишдан шу пайтгача 4,2 миллион доллар, махфий маълумотлар очикланган чиқишларидан эса бир миллион доллардан кўпроқ ишлаган, дейилади ТАСС хабарида.


Эслатиб ўтаамиз, Эдвард Сноуден 2013 йили Америка махсус хизматлари интернет орқали қандай ишлаётганини, жумладан, хориж раҳбарлари сўзлашувларини кузатиб боришини ошкор қилганди.

АҚШ ҳукумати таъкибидан қутулиш учун собиқ махфий агент қатор мамлакатлардан бошпана сўраган ва 2014 йилда Россия уни уч йилга қабул қилганди. Кейинчалик бу муддат яна шунчага узайтирилган.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

## АВТО



## ТУРКИЯ ИЛК МАШИНАСИНИ УЧИРДИ

Истанбулнинг Baykar Defense компанияси Туркиянинг илк учар машинаси — Cezerini синовдан ўтказди. Бу ҳақда Global News хабар берди.

Cezeri ҳозирча прототип, дастлабки синовда 10 метргача кўтарилди. Турклар келгусида учар машинани икки минг метр баландликкача кўтариш, тезлигини 100 километр/соатгача оширишни режалаштиришган.

Машина тайёр бўлиб, бозорга чиқишигача 10-15 йил кетади. Навбатдаги синовларда Baykar Defense машинани ҳайдовчи-учувчи билан синов қўрмоқчи.

## СМАРТФОНЛАР


## NOKIA ТҮРТ КАМЕРАЛИ 5G-СМАРТФОННИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Nokia 8.3 5G смартфонни тақдим этилди. Номидан ҳам кўришиб турибди — смартфон бешинчи авлод тармоқларида ишлайди. Қолаверса, қурилманин Zeiss оптикали тўрт камераси бор.

Смартфон экран диогонали 6,8 дюйм (FullHD+)га тенг. Асосий камераси 64 Мп, 12 Мп, 2 Мп ва 2 Мп датчиклардан ташкил топган. Фронтал камераси эса 24 мегапикселли. Қурилма экин усулида видео олиш имкониятини беради. Кино суратга олиш режимини ҳам афзалликлар қаторига қўшиш мумкин: фойдаланувчи турли эффектларни қўллай олади.

Процессори — Snapdragon 765G. Аккумулятори — 4500 мАч.

Nokia 8.3 5G Android 10 базасида тақдим этилди, ammo кейинчалик Android 11гача янгилаш мумкин. Икки талқинда тақдим этилди: тезкор ва доимий хотираси 6ГБ/64 ГБ ҳамда 8 ГБ/128 ГБ.





# ОФШОР ОШКОР БЎЛДИ

Глобал банклардаги коррупциялар ҳақида ҳисобот тайёрланди

Журналистик текширувлар халқаро консорциуми 20 сентябр куни эълон қилган ҳисоботга кўра, глобал банклар йигирма йил давомида 2 триллион доллардан ошқик қийматга эга шубҳали операцияларни амалга оширган. Ҳисоботда молиявий институтлар ҳамда ҳукуматлар ноқонуний маблағ оқимларини тўхтатиш учун етарлича чора кўрмаётгани айтилади.

Ҳисобот АҚШ Молия вазирлигининг пул ювишни ўрганувчи бўлимида сиздирилган минглаб ҳужжат асосида тайёрланган. Сиздирилган ҳужжатлар Фарб давлатларидаги банклар, жумладан, JPMorgan ва Deutsche Bank жиноий тўдаларга маблағ юборишга ва пул ювишга кўмаклашганини кўрсатди.

Мазкур ҳужжат глобал коррупция мавзусида сўнгги йилларда эълон қилинган бешинчи йирик ҳисоботдир.

АҚШ Молия вазирлиги ҳузуридаги Молиявий жиноятчиликка қарши кураш тармоғидан олинган 2 100та ҳужжат аввалига BuzzFeed нашри, сўнгра жаҳон бўйлаб 400 нафар мухбирга юборилган. Ҳужжатлар орасида банклар



1997-2017 йилларда расмийларга юборган шубҳали фаолиятга доир ҳисоботлар ҳам бор. Банклар бирор операция қонунийлиги ҳақида шубҳа тўғилса, Молиявий жиноятчиликка қарши кураш тармоғига ушбу шубҳали фаолият ҳақида ҳисобот юборди.

BuzzFeed нашрига келиб тушган ҳисоботларнинг яримида банклар операциялар ортида турган бир ёки ун-

дан кўп тараф ҳақида маълумотга эга бўлмаган.

Кейинги йилларда АҚШ ва фарб давлатларида банкларни ноқонуний маблағ оқимини тўхтатишга мажбурловчи қатор қонунлар қабул қилинди.

Ўтган йили глобал миқёсда банклар 2 миллиондан ошқик шубҳали фаолиятга доир ҳисоботларни юборган. Таҳлилчиларнинг айтишича, атиги 333 нафар

ишчига эга Молиявий жиноятчиликка қарши кураш тармоғи коррупцияга ва молиявий жиноятларга қарши етарлича кураша олмапти.

Журналистик текширувлар халқаро консорциуми эълон қилган ҳисоботлардан турк олтинфуруши Ризо Зарраб Россия ва офшор ширкатлар билан ўтказган операциялари ортидан 1,25 миллиард доллар фойда кўргани ўртага чиққан.

Шунингдек, ҳужжатлардан 20 йил ичида Россияга 11 миллиард доллар қийматга эга шубҳали маблағ олиб кiritилгани ва олиб чиқилгани маълум бўлди. Айни даврда Украинага маблағлар оқими 470 миллион долларни ташкил қилган.

Молиявий жиноятчиликка қарши кураш тармоғидан олинган ҳужжатларни кўлга киритган хабар агентликлари кейинги кунларда шубҳали амалиётлар ортида ким тургани ҳақида қатор мақола чоп этишни режалаштирмақда.

2017 йилда Appleby ва Estera офшор ширкатлари глобал молиявий коррупция ҳақида кўп сонли ҳужжатларни эълон қилган эди. Paradise Papers деб номланган ҳужжатлар туфайли таниқли сийёсатчилар, юлдузлар ва бизнесменларнинг офшорлар ёрдамида порохўрлик билан шугулланаётгани ва пул умараётгани ошкор бўлган.



## МАСЖИДДА АУТИЗМ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Малайзиянинг Петалинг-Жайа шаҳридаги "Кампунг Тунку" масжидида имконияти чекланган болалар учун дам олиш ва реабилитация маркази очилди.

Аутизмга чалинган болалар одатда оддий майдончаларда ўзини ноқулай сезади, бу ерда эса ҳамма шароит улар учун мўлжалланган. The Rakyat Post нашрининг ёзишича, "Кампунг Тунку" масжидидаги марказ неврологик касалликка чалинган фарзандини тарбиялаётганлар, айниқса, реабилитация учун маблағ топишга қийналадиган камхарж оилаларнинг сеvimли масканига айланган.

Масжиддаги ўйин марказига диндан қатъи назар, ҳамма келиши мумкин. Болалар гимнастика шарларида шугулланади ва расм чизади, ота-оналари эса ўзаро тажриба алмашади.

## ЛИВИЯ ЖАҲОН НЕФТ НАРХИНИ ТУШИРИБ ЮБОРДИ

Ливия нефт қазиб олишни тиклашни эълон қилиши билан глобал бозорда нархлар пасайиб кетди. Хусусан, Лондондаги ICE биржасидаги 21 сентябрдаги савдоларда Brent маркали нефтнинг ноябр фючерслари бир баррел учун 41 долларни ташкил қилди (5 фоизлик пасайиш). Американинг WTI нефти октябр фючерслари эса бир баррел учун 38,74 долларга (5,8 фоизлик пасайиш) пасайди.



The Libya Observer нашри Ливиянинг National Oil компанияси мамлакат шарқида нефт тортиб олишни тиклаши ҳақида хабар берганди. Ливия миллий армияси кўмондони Халифа Ҳафтар БМТ тан олган Триполи ҳукумати билан келишув доирасида нефт конлари ва портлар қамалини тўхтатганидан сўнг ушбу қарорга келинган.

Эслатиб ўтамиз, қамалга қадар Ливия кунига ер қабридан 1,3 миллион баррел нефт тортиб оларди, кейин кўрсаткич 100 минг баррелга тушиб қолганди.

## Гутерриш: СОВУҚ УРУШНИ ТАҒИН БОШЛАМАНГ!

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш АҚШ ва Хитой ўртасидаги тарангликни назарда тутган ҳолда янги совуқ урушни бошламаслигини талаб қилди.

"Биз жуда хавфли йўналиш бўйлаб ҳаракатланяпмиз. Бизнинг дунёга ҳар бири ўзининг савдо ва молиявий қоидаларига кўра ҳаракат қиладиган, интернет ва сунъий онг имкониятларидан фойдаланадиган икки йирик иқтисодиёт парокандаликка олиб борадиган келажак керак эмас", - деди Гутерриш БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессияси очилишидаги нутқида.

БМТ Бош котибининг нутқидан кейин АҚШ президенти Доналд Трампнинг аввалдан ёзиб олинган нутқи намойиш этилди. AFP хабарига кўра, у коронавирус пандемияси учун Хитойни айблаган. "Биз бу вабони дунёга тарқатган мамлакатларни – айнан Хитойни жавобгарликка тортишимиз зарур", - деди Трамп. Шунингдек, АҚШ президенти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти "инфекция одамдан одамга юкмайди" деб ёлғон баёнот берганини таъкидлади.

Бундан ташқари, Доналд Трамп Хитойни иқлим ўзгаришлари учун ҳам айблади. Хитойнинг БМТдаги доимий вакили Чжан Цзюн эса АҚШ раҳбарининг айбловлари асоссиз эканлигини айтди.

## СНОУДЕН — МЕНДА ҲЕЧ ҚАЧОН БУНЧА ПУЛ БЎЛМАГАН

АҚШ махсус хизматларининг собиқ ходими Эдвард Сноуден АҚШ ҳукуматида 5 млн. доллар тўлашга рози бўлганлиги тўғрисида CNN телекомпанияси тарқатган хабарни рад этди. "CNN бу маълумотни мутлақо нотўғри берган. Мен бунга рози бўлмаганман. Мен мамлакат ташқарисида эканман, цензура тўғрисидаги қарор ижро кучига эга бўлмайди, менда ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч қачон бунча пул бўлмаган", - деб ёзди Сноуден ўзининг Twitter саҳифасида.

Телекомпаниянинг таъкидлашича, АҚШ ҳукумати Сноуденнинг "Шахсий ҳужжат" (Permanent Record) деб номланган китоби сотувидан тушган барча даромад Америкага тегишли деб ҳисобламоқда. Адлия вазирлиги Сноуденни "махфий ахборотни ошкор қилмаслик" мажбуриятини бузганликда айблаган ва унинг устидан судга арз қилган.

Айтилишича, Сноуден ўз китоби сотилишидан 4,2 млн. доллар ҳамда 56 марта пуллик чиқиш қилганидан 1,03 млн. доллар даромад олган.

Эслатиб ўтамиз, душанба куни CNN Эдвард Сноуден китоби сотилиши ва оммавий чиқишларидан олган 5 млн. доллардан кўпроқ маблағни АҚШ ҳукуматида тўлаб беришга рози бўлгани тўғрисида хабар қилганди.

Интернет материаллари асосида У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

## 14 МУТОЛАА



Эд ЛЕЙСИ

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонда.)

Орадан ўн ойча вақт ўтди. Шундай ўта оғир иш кунларидан сўнг у хотини билан кинога борди.

Уйга қайтишда Сюзан гап очиб қолди:

— Менимча, бу Марлон Смит истеъдод бўйича Орсон Уэллсни осонгина ортада қолдиради. Ҳар куни қаҳрамон қайтадан тугилгандек уйғонади ва тунга бориб бир кунда бутун ҳаётини кечириб муваффақ бўлган кекса аёлга айланади. Етти кун, бутунлай узгача етти ҳаёт ва тақдирлар.

— Ҳа, Нима учун ҳар сафар уйғонганимда, янги филмни кўраётгандек туюлишини ниҳоят тушуниб етдим. Биласанми, мен айрим муҳим кичик нарсаларга эътибор қаратдим, лекин нима эканлигини эслай олмайман.

— Марлон Смит умуман номаълум актёр эди. Ковбойлар родини уйнади, кейин инқилобий филмни суратга олди. Нафақат филм ишлади, балки сценарий ёзди, продюссерлик ҳам қилди. Жимми, сен тагин ухляясанми?

— Йўқ, азизам, шунчаки уйлаяман. Биласанми, ўша лаҳзаларнинг бирида, мен мудраб колганимда ёки уйғонганимда, экранда муҳим бир нарса пайдо бўлди...

Жимми қаддини ростлаб, хотинининг кўлтигидан тутди.

— Азизам, титрлар кўрсатилган пайтда... Бу филм Гарри Сэндс повести асосида ишланганлиги ҳақида ёзилмаганми?

— Назаримда, ҳа. Ростини айтсам, титрларга аҳамият бермадим... Шошма, бу машина уриб юборган ўша аёлнинг эри, тўғрими?

Дэвис автобуснинг фавкулд-да тўхтатиш тутмачасини босди.

— Жонгинам, сен уйга кетавер, мен шошилинч Гарри Сэндснинг аёл ўртоғи билан суҳбатлашимиз керак. Тезда қайтаман.

Ярим соатдан сўнг Дэвис шиофона ошоҳонасида Ирен Паркс билан қаҳва ичарди.

Гарри ниҳоят тан олинганидан жуда хурсандман, — синиқ жилмайди ҳамшира. — У ҳар доим бу китобга бутун қалбини бағишлаганини айтарди. Биласизми, у ичидини бошлади, чунки муносиб шон-шарафга эришолмади.

— Айтишларича, филм катта фойда келтираркан. Гарри улушини ким олади, Паркс хоним?

— Ўз вақтида адвокатим бу масала билан шугулланган. Ҳеч ким. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш мuddати тугаганлиги сабабли бу повест жамоат мулки ҳисобланади. Нашриёт повестни яна чоп этишга қарор қилди ва мен икки минг доллар оламан.

— Ҳанна Сэндс меросхўрлари нима бўлади?

— Қайси модда бўйича? — чамирилди Ирен Паркс. — Гарри васиятномасида меросхўр сифатида мени ёзган. Ҳаётининг катта қисмида Гаррини мен қўллаб-қувватладим. Адвокат нашриёт умуман ҳеч кимга



## СЎНГГИ СЎЗ

(Детектив)

тўлашга мажбур эмаслигини айтди. Улар имзоимни олиш учун менга икки минг тўлашга рози бўлишди. Энди китобни фақат улар нашр қилишлари мумкин...

Кейинги кун эрталаб Дэвис муаллифлик ҳуқуқлари бўйича мутахассис ёнига йўл олди.

— Муаллифлик ҳуқуқи бизда 28 йилдан буён амалда, — тушунтирди адвокат. — Ўтган шунча вақтдан кейин улар янгилигини керак. Мен Конгресс кутубхонасига кўнғироқ қилиб, жаноб Сэндс повести муаллифлик ҳуқуқини ҳеч қачон янгиламаганини билдим. Шу боис асар умумжамоа мулкига айланган ва энди истаган одам у билан хоҳлаганини қилиши мумкин.

— Муаллифлик ҳуқуқини ким янгилай олиши мумкин? Жаноб Сэндс бир неча йил аввал вафот этган.

— Меросхўр ҳисобланган хотини ёки болалари.

— Аёл дўсти-чи? Сэндс муаллифлик ҳуқуқини севгилисига мерос қилиб қолдириши мумкинми?

— Агар расмий ажрашмаган бўлса, бу имконсиз.

— Асарнинг муаллифлик ҳуқуқи ун ой олдин тугаганми?

— Йўқ, етти.

— Демак, хоҳлаган одам кутубхонага бориши ва муаллифлик ҳуқуқлари янгиланганми-йўқми билиши мумкин экан-да? Адвокат бош ирғиди.

— Илтимос, менга яна бир нарсани тушунтириб берсангиз. Филм премераси ўтган ҳафтада бўлиб ўтди. Тасвирга олиш бошланишидан премерагача қанча вақт кетди?

— Анигини айтиш мушкул. Баъзан ийлар сарфланади. Барчаси продюссер ва режиссёрга боғлиқ. Айтишларича, Марлон Смит атиги 12 кунда тасвирга олган. Агар у кинотасмани шу қадар тезликда қайта ишлаган ва тахир қилганида ҳам, буларнинг барчасини бир неча ойда амалга оширган бўларди.

— Қизиқ, филм Смитга қанчага тушди экан? — уйчан гапирди Жимми.

— Миш-мишларга кўра, бюджети 60 мингдан ҳам ошмаган.

— Бироқ Смит шунча пулни қаердан топди? Ахир у иккинчи даражали гарбликларни ишлаган бўлса.

— У дистрибуторлар билан келишувга эришгач, барча банклар дарҳол филмни молиялаштиришни хоҳлаб қолишди, — жилмайди адвокат. — Бундай бюджетга эга бўлган тўлиқ метражли филм катта фойда келтиради. Бу бир неча миллион йўга олади.

Бўлимга қайтгач, Дэвис адвокат билан учрашуви ҳақида лейтенант Винтинога сўзлаб берди.

— Мен Марлон Смитнинг жуда машҳур эканлигини билмаман, — дея ҳикоясини тугатди у, — ва хато қилган бўлсам дахшатли жанжал кўтарилди, лекин айнан у биз излаётган “хусусий изқувар” эканлигига мен аминман! Смит доим мукамалликка эришишга ҳаракат қилган. Агарда у ҳақиқий ҳаётда хусусий изқувар родини уйнаши керак бўлса, албатта уни қандайдир кино қаҳрамонига ўхшатиб кўярди!

Винтино бош ирғиди.

— Мен Голливуддан кўнғироқ кутяпман. Агар ун ой олдин Смитнинг “кадиллак”и бўлгани аниқланса, биз уни Ҳанна Сэндс улимизда гумондор сифатида ҳибсга оламиз.

Бир соат ўтгач Голливуддаги ҳамкасблари Смитнинг илгарги “кадиллак”ни бошқарганини тасдиқлашди. Марлон ҳибсга олинганида газаб отига минди. Саволларга жавоб беришдан бош тортиди ва адвокат талаб қилди.

Детективлар тергов хонасини тарк этишди.

— Жуда қаттиқ ёнғоқ, — хўрсинди Жимми. — Адвокат қисқа вақт ичда уни бу ердан олиб чиқиб кетди. Мен тўғайли катта муаммоларга дуч келганга ўхшайсиз, Дейв.

— Бўлиши мумкин. Биз кўпи билан яна ярим соат уни адвокатига кўнғироқ қилишдан

чалғитиб тура оламиз. Агар унинг ўзи тан олмаса, қўлогимизгача ботқоққа ботиб қолишимиз аниқ. Биласизми, Жимми, мен бир хийлани синаб кўрмоқчиман. Телекомпанияга кўнғироқ қилиб, телекамера олиб келишларини сўрадим. Қизиқ, актёр камера олдида қанча вақт жим тура оларкин. Агар бу ҳам иш бермаса, иккимиз ҳам янги юмуш қидиришимизга тўғри келади.

Бир неча дақиқадан сўнг Марлон Смит ўтирган стул қаршисига камера ўрнатилди.

— Сиз машҳур инсонсиз, — гап бошлади Винтино. — Янгиликлар ҳар қандай ҳолатда газеталарга етиб боради, шунинг учун бу хонада содир бўлаётган воқеаларни сир тутиш учун ҳеч қандай сабаб қурмаяпман. Жамоатчилик сизни мажбурламаётганимизга ишонч ҳосил қилиши учун ўшбу сўроқ тасмага ёзиб олинмоқда... Сиз ҳали ҳам Сэндс хонимни ҳеч қачон учратмаганман, деган қатъий қарордасизми? Унинг вафоти кунини у билан гаплашмагансизми? Уни ўзингизнинг “кадиллак”ингизда олиб кетагансизми? Бир кун олдин консерждан сугурта агенти ниқоби остида у ҳақида сурамагансизми? Айтганча, у бу ерга ҳар қандай дақиқада етиб кела олади.

— Ҳа, уни мен ўлдирдим, — деди Смит паст, аммо тиниқ овозда, — лекин бу ўзини ўзи ҳимоя қилиш эди. Эҳтимол, шундай қабихлик билан тугаётган ҳаёлимнинг фикрида аклимни йўқотган бўлсам керак! Журналда ўқиган кунимдан бошлаб Сэндс ҳикоясини филм қилишни хоҳлаб қолдим. Ушанда ҳали мактабда ўқир эдим. Бир неча йилдан сўнг жаноб Сэндсга ҳикояни экранлаштириш ҳуқуқини сотишини сўраб мактуб ёздим, аммо журнал аллақачон ёпилиб кетган экан ва хатим қайтиб келди. 1957 йили кўрқув ва таваккалик билан сценарий ёзишни бошладим. Кейин актёрларни танладим, ҳомийлар қидирдим. Бу қанчалар қийин бўлганини билсангиз эди. Деярли очликда яшадим. Бир йил

олдин кредиторларни қидириш ишларим муваффақиятли яқунланди ва мен сценарийнинг муаллифлик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун Вашингтонга бордим. Журналнинг, агар у мавжуд бўлса, ўшбу ҳикоя учун муаллифлик ҳуқуқи аллақачон тугаганига ишончим комил эди. У ерда билдимки, Сэндс журналида чоп этилганидан бир неча йил ўтиб ҳикоя повест қилиб ўзгартирилган экан. Унинг муаллифлик ҳуқуқи бир неча ойдан сўнг тугайди, аммо уни узайтириш мумкин. Сэндс улди.

Унинг хотини ёки болалари бор-йўқлигини аниқлаш керак эди. Сугурта компанияси агенти хийла образи шу тарзда пайдо бўлди. Мен Ҳанна Сэндсга барча даромаднинг ун физини тақлиф қилдим, аммо у бунинг рад этди ва нақд 10 минг доллар талаб қилди. Инвесторларнинг бошқа филмга сармоа киритиши мен учун қабул қилиб бўлмайдиган ҳодисалигини тушунтирдим. Уни кўндириб учун ялиниб-ёлвордим. Ҳатто унинг улушини 20 фоизга оширдим, бироқ у барибир рад этди. Машинадан тушди ва уйига кетди. Менинг барча ишларим, иш нима бўлибди — бутун ҳаётим унинг очкузлиги тўғрисида қартадан тикланган уйчадек кўз ўнгимда қулаб тушди. Мен... мен нима қилганимни билмайман...

Кўлфланмаган қандайдир машина учун қабул қилиб бўлмайдиган ҳодисалигини тушунтирдим. Уни кўндириб учун ялиниб-ёлвордим. Ҳатто унинг улушини 20 фоизга оширдим, бироқ у барибир рад этди. Машинадан тушди ва уйига кетди. Менинг барча ишларим, иш нима бўлибди — бутун ҳаётим унинг очкузлиги тўғрисида қартадан тикланган уйчадек кўз ўнгимда қулаб тушди. Мен... мен нима қилганимни билмайман...

Кўлфланмаган қандайдир машина учун қабул қилиб бўлмайдиган ҳодисалигини тушунтирдим. Уни кўндириб учун ялиниб-ёлвордим. Ҳатто унинг улушини 20 фоизга оширдим, бироқ у барибир рад этди. Машинадан тушди ва уйига кетди. Менинг барча ишларим, иш нима бўлибди — бутун ҳаётим унинг очкузлиги тўғрисида қартадан тикланган уйчадек кўз ўнгимда қулаб тушди. Мен... мен нима қилганимни билмайман...

Кўлфланмаган қандайдир машина учун қабул қилиб бўлмайдиган ҳодисалигини тушунтирдим. Уни кўндириб учун ялиниб-ёлвордим. Ҳатто унинг улушини 20 фоизга оширдим, бироқ у барибир рад этди. Машинадан тушди ва уйига кетди. Менинг барча ишларим, иш нима бўлибди — бутун ҳаётим унинг очкузлиги тўғрисида қартадан тикланган уйчадек кўз ўнгимда қулаб тушди. Мен... мен нима қилганимни билмайман...

Кўлфланмаган қандайдир машина учун қабул қилиб бўлмайдиган ҳодисалигини тушунтирдим. Уни кўндириб учун ялиниб-ёлвордим. Ҳатто унинг улушини 20 фоизга оширдим, бироқ у барибир рад этди. Машинадан тушди ва уйига кетди. Менинг барча ишларим, иш нима бўлибди — бутун ҳаётим унинг очкузлиги тўғрисида қартадан тикланган уйчадек кўз ўнгимда қулаб тушди. Мен... мен нима қилганимни билмайман...


— Бунинг дарҳол чоп этинг ва унга имзо қўйдириң! — лейтенант Винтино уни реалликка қайтарди. — Бўлди, шоу тугади!

Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ таржимаси



“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир. Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, ҳофизларимизнинг сoҳрли қўшиқларига қулоқ тутсин”

Ш.МИРЗИЁЕВ



## ЎЗБЕК ТИЛИ АЗИЗУ МЎЪТАБАР

Ер юзида қанча миллат, халқ, элат, қабила бўлса, шунча тил бор. Тилсиз халқ йўқ. Халқсиз эса тил ҳам бўлмайди. Булар эгизак тушунчалардир, биридан бирини айириб бўлмайди, улар айириб қўйилса, иккиси ҳам ўзлигини йўқотади. Халқ бошқа бир халққа қўшилиб кетади, унинг тили эса ўлик тилга айланади.

Барча халқларнинг тиллари, уларда миллионлаб одам гаплашадими ёки атғи бир-икки минг киши сўзлашадими, бундан қатъи назар, ўзалари учун азиз ва кераклидир. Тил - миллатнинг ўзига хослигини кўрсатувчи энг асосий восита. Тилни кам сонли элат гаплашар экан деб камситиб ёки бўлмаса, кўп сонли миллатнинг тили экан, деб улуғлаб бўлмайди. Бунда сон жиҳати мезон бўла олмайди. Лекин дунёда жуда тараққий этган, бой жаҳоний тиллар ҳам бор, энди тетапога қилаётган тиллар ҳам йўқ эмас. Бу ўша тилларнинг соҳиби бўлмиш миллат ёки элатларнинг раvнақи, босиб ўтган тарихий йўли, инсоний жамиятнинг қайси бир тараққиёт босқичида экани, иқтисоди, маданияти, фани ва маънавияти ҳамда шу каби омилларга боғлиқдир.

Биз ўзбеклар учун эса ўз она тилимиз бўлмиш ўзбек тили азизу мўътабардир.

Лекин шунинг ҳам тан олиш лозим, ўтган асрда тил, миллат руҳи, миллий ғоя билан боғлиқ кўп йўқотишлар бўлган. Бугун эса муаммоларни тизимли равишда бар-тараф этиш йўлида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 21 октябрида имзоланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармони бу борада бутунлай янги босқични бошлаб берди. Унга кўра 21 октябр санаси “Ўзбек тили байрами кuni” деб белгиланган. “Миллий давлатчилигимиз ва ўзлимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Бу йил Ўзбек тили байрами кuniни бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз”, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Шу ўринда, ўзбек тилининг жонқуяр ҳимоячиси, фаол тарғиботчиси бўлган буюк шоиримиз Эркин Воҳидовни тил масаласига эътиборини ифодаловчи мисол келтирсак. “Сўз латофати” китобида ёзганидек: “Она тили умуммиллат мулки. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорихий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуосларнинг эмас, миллатнинг ишидир”. Бир сўз билан айтганда, мақсад сари биргаллашиб интилсак натижага эришамиз.

Ҳаммамизга маълум, 1989 йил 21 октябр кuni Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Конституциямизнинг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Ушбу модданинг иккинчи муҳим аҳамияти: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”. Бу чинакам демократик ёндашув ҳисобланади.

Олимларнинг сўнги тадқиқотлари натижаларига кўра, бугунги кунда ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг умумий сони 42-43 миллион орасида бўлиб, уларнинг асосий қисмини Ўзбекистонда ва унга чегарадош бўлган давлатларда истиқомат қилиб турган ўзбек тилида сўзлашувчи ва ўзини ўзбек деб билувчи аҳоли ташкил қиларкан.

Шавкат ҲАМРОҚУЛОВ,  
“Ўзбекистон почтаси” АЖ етакчи муҳандиси

# БИТТА БЎЛАР СЎЗИНГ, ЎЗБЕГИМ!

Дарҳақиқат, ўзбек тили буюк ва қадимийдир. Қалами билан дунёни забт эта олган ҳазрат Навоий, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийларни дунёга келтирган бу халқнинг тарихи, тили буюк, ўзи эса қадридир. Шунингдек, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Зулфияхоним каби ватандошларимиз ўз асарлари орқали она тилимизни кўпларга кўтарган.

*Келиб кетди неча дунёлар,  
Кулди ҳаёт, йиғлади ўлим.  
Сен деб қурбон бўлди болалар,  
Улар кетди, сен қолдинг, тилим.*

Тил шундай бир боғки, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир гунчанинг ўз ўрни бор, бордию улардан бири эътиборсиз, парваришсиз қолса, боғнинг кўрки бузилади, таровати сусаяди. Шу маънода, тилни бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи маънавий кўприкка қийёслаш мумкин. Бу кўприк бизни эзгу амалларга, инсоний комилликка давват этади. “Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан, ўзлигидан адашади” деганларидек, тил бойлигимизни ўзлимизни йўқотмаслик учун ҳам асрашимиз лозим.

Собиқ тузум шароитида тилимиз ҳар жиҳатдан таназулга юз тутди. Она тилига эътибор сусайди, неча асрлар давомида халқимизга маънавий ҳамроҳ бўлиб келган ўзбек тили асоссиз камситилди. 1989 йилнинг октябр ойида бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессиясида мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб расман эълон қилинди. Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди. Орадан

икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Давлат тили қабул қилинган тарихий санадан ўттиз йил ўтиб, Президентимиз Ш.Мирзиёев 2019 йил 21 октябр кuni “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилди ва унга биноан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябр санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами кuni” деб белгиланди. Она тилимиз фидойилари, бутун халқимиз бу хушхабарни катта хурсандчилик билан қарши олди.

Албатта, ўзбек тилининг ўз кuni, ўз байрамига эга бўлиши жуда қувонарли ҳодиса. Халқро тажрибага назар соладиган бўлсак, турли мамлакатларда 20 апрел – хитой, 23 апрел – испан, 15 май – форс, 6 июн – рус, 1 август – озарбайжон, 26 сентябр – турк, 9 декабр – италян, 18 декабр – араб тили кuni сифатида нишонланади.

Ўз тарихи, гўзаллиги, малоҳати нуқтаи назаридан мазкур тиллар билан бемалол беллаша оладиган она тилимизнинг ҳам алоҳида байрамга эга бўлишини юртдошларимиз кўп йиллардан бери кутиб келаётган эди. Бу кун миллатимиз, тилимиз, маънавиятимиз тарихида ўзига хос кун бўлиб қолади.

*Тили йўқнинг бахти бўлмайди,  
Минбарларда тахти бўлмайди.  
Эй тиллари узун ўзбегим,  
Битта бўлар сўзинг, ўзбегим!*

Н.МАХМУДОВА,  
“Ўзбектелеком” АЖ  
Самарқанд филиали КУҚ раиси

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик ишлари бўлинмаси бошлиғи Махбуба Сатторовани онали  
Муяссар ҚОРАЕВанинг  
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

16 | САЛОМАТЛИК

МАСЛАХАТ

ЎҚУВЧИ УЧУН  
ЭНГ ЯХШИ НОНУШТА

Болалар эрталабдан етарли миқдорда оқсил қабул қилиши жуда муҳим. Бу уларнинг ўсиши учун зарур, дейди диетолог Марина Макиша. "Бу котлет, қизил балиқ ва пишлоқли сэндвич бўлиши мумкин", – изоҳлайди мутахассис.

Шунингдек, нонуштага қанд қўшилмаган сут ёки қатиқ маҳсулотлари тўғри келади. Фақат боланинг сут маҳсулотларини яхши ҳазм қила олишини текшириш керак. Чунки сут маҳсулотлари калцийнинг энг мақбул манбаи ҳисобланади. "Калций болаларга жуда зарур, чунки уларнинг суяк скелети ўсади. Калцийсиз меъёрда ўсмайди", – деб огоҳлантиради диетолог.

Шунинг учун эрталабки таомномага творог, йогурт, сутли тоблама ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Шакарсиз сут маҳсулотлари ўқувчиларда хуснбузаларни келтириб чиқармайди. Тезпишар бутқаларни эса Макиша таомнамодан бутунлай чиқариб ташлашни маслаҳат беради. Чунки уларнинг таркибиде фойдали моддалар деярли йўқ.



СМАРТФОНДАН  
ТАРАЛАЁТГАН НУР  
ТЕРИ УЧУН ХАВФЛИ

Skin and Cancer Foundation at the Biologic Psoriasis and Nail саратонга қарши курашиш маркази дерматологи Шийамалар Гунатисан смартфондан таралаётган ёруғлик одам терисига салбий таъсир кўрсатишини маълум қилди. Унинг фикрича, гаджетлардан назоратсиз фойдаланилса, нурлиниш зарари кўёшниқидан қолишмайди, деб ёзади A Current Affair.

Экспертнинг таъкидлашича, кунига олти соат рақамли матоҳ олдида ишлаш ярим соат кийимсиз ва ҳимояловчи кремсиз туш пайтидаги офтобда юриш каби терига салбий таъсир кўрсатади. "Нурлиниш қисқа, лекин кучли бўлиб, тери орқали тез сингади", – изоҳлайди дерматолог.

Гап мовий нур ҳақида бормоқда. Одатда бундай нур телефон, ноутбук, планшет ва диодли чироқлардан таралади. Гунатисаннинг сўзларига кўра, узоқ вақт

таъсир қилиши натижасида офтобда қорайиш каби гиперпигментацияга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бу тери қариши ва сувсизланишига олиб келади.

Олимнинг фикрича, нохуш асоратлардан сақланишнинг энг осон йўли – гаджетлардан фойдаланиш вақтини чеклаш. Негаки, бу нафақат терига, балки кўзга ҳам зарар. Шунингдек, у экрандаги ёруғлик даражасини камайтиришни ва қора кўзойнақлардан фойдаланишни маслаҳат беради.

ХИТОЙЧА ЖАВОБ

iPhone ТУТГАНЛАР ИШДАН БЎШАТИЛАДИ

АҚШ ҳукумати томонидан Huawei корпорациясига нисбатан янги санкцияларнинг қўлланилишига жавобан Хитой компаниялари ҳам маълум бир тартибларни жорий этди. Улар ватанпарварлик намоён этиб, ўз ходимларини америкаликларнинг маҳсулотларидан фойдаланмасликка чақиришмоқда.

Жумладан, Jiangsu Capital Wine & Spirits Со. компанияси ўз ходимлари учун янги қоидалар рўйхатини эълон қилди. Бу қоидалар рўйхати қисқа ва аниқ:

1. Барча ходимлар iPhone ишлатишни тўхтатишлари шарт;
2. Энди iPhone сотиб олган ҳар қандай ходим ишдан бўшатилади;
3. Huawei телефонларидан харид қилганларга компания 15 фоизлик компенсация тўлайди.

Шунингдек, Apple смартфонларига эга ходимлар 30 кун ичида уни исталган бирор хитойлик ишлаб чиқарувчининг телефониغا алмаштиришлари лозим. Акс ҳолда ходим ўз вазифасидан озод қилинади.

Mudriver нашрининг ёзишича, Jiangsu Capital Wine & Spirits Со. – ўз ходимларидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар телефонларига ўтишни талаб этаётган ягона компания эмас. Айрим ҳолларда эса иш берувчилар айнан Huawei смартфонларини сотиб олишга даъват этишяпти.



ҲИКМАТ



ЖАҲОЛАТ – ЗУЛМАТДИР. ҚОРОНҒУДА ДАРАХТ ДЕВ БЎЛИБ, ОЛМА ЭСА ТОШ БЎЛИБ КЎРИНАДИ.

МАВЛОНО РУМИЙ



Афандини яхши кўрган ити ўлиб қолибди.

Кўшилари дарвозаси ёнидан ўтиб кетяпти афандини масхара қилганида:

– Ҳа афанди, итнингиз ўлиб хафа бўлмай ўтирибсизми? – дейишса, афанди:

– Киришлар! Дўстнингиз ўтган жойлар, бироз хотирлаб кетасизлар, – деган экан.

\*\*\*

– Ёлгончи! Сен менга сўз бериб, сўзингда турмадинг!

– Хафа бўлма! Истасанг, яна сўз бераман.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,  
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятта келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади  
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-957 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 3959 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,  
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй  
(мўлжал: Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,  
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси – 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.  
Босишга топширилиш вақти — 24.00.